

Б. ТҮХЛИЕВ
Р. НИЁЗМЕТОВА
И. БОЛТАЕВА

ДАРСЛИКЛАР УСТИДА ИШЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Б. Тўхлиев, Р. Ниёзметова,
И. Болтаева

Дарсликлар устида ишлап

Ноън тадбигори мактабнига оидиатнига бўйича
төхтотик мактабнига оидиатнига

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2007



ЎЗБЕК ІСЛОҲИДОҒИЛОНГИ
АДАБИЁТӢ МЕДДАТ ДУҶАҲӢ ВА СОҲИБ
ШЫСӢ СОҲИБИҲИ
СІРГОҲСИДДАҲИ САҲИҲИ
СІРГОҲСИДДАҲИ САҲИҲИ

Мазкур ўқув қўлланмаси магистраттура таълимининг «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги талабаларига мулжалланган. Улар бўлажак адабиёт ўқитувчилари сифатида адабиёт дарслкларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг таркиби ва мазмуни билан, шунингдек, дарслк материаллари устида ишлашнинг метод ва усуллари билан танишадилар. Қўлланмадан умумий ўрта таълим мактблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари, талабалар, аспирант ва тадқиқотчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тошкент Давлат педагогика университети Илмий кенгаши
томонидан нашрға тавсия этилган.

ISBN № 978-9943-09-373-7

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти,
2007 йил

КИРИШ

Ўқувчиларнинг турли фан соҳаларига оид бўлган билимларни эгаллашларида, шу билимларни эгаллашга оид кўникма ва малакаларга эга бўлишларида ўқув дарсликларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Бу таълимнинг турли босқичларида қўйиладиган умумий мақсад ва вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда шундай деган эдилар:

«Ҳаммамизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эрганги кун талаблари даражасида эмас.

Бир нарсанинг аҳамиятига етиб боришимиз зарур, азиз дўстлар, ватандошларим!

Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор.

Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор. Нега бундай? Бу психология қаердан пайдо бўлган? Ахир, дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафакури ва миллат мафкурасининг энг илфор намуналари акс этиши керак эмасми? Ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша соҳанинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми? Биз дарслик яратишга энг илфор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов голибларидан маблагни аямаслигимиз лозим»¹.

Эндиликда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфларидаги Адабиёт дарсликларининг барчаси танлов асосида яратилаётганлигининг гувоҳи бўлиб

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Тошкент: Шарқ, 1997. 8-бет.

турибмиз. Бу жараён давом этмоқда. Шунинг учун ҳам дарсликларнинг мазмуни йилдан-йилга бойиб, сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, адабиёт дарсликларидағи материаллар:

«таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчилиги...

таълим тизмининг дунёвий характерда эканлиги» (3-модда) билан белгиланади.

Адабиёт дарсликлари ўқувчиларнинг миллий мафкура асосида шаклланадиган дунёқарашларида муҳим роль ўйнайди. Юқорида Президентимизнинг дарсликлар ҳақидаги мулоҳазаларини кўриб ўтдик. Бу безовталик бежиз эмас. Яхши дарслик мұккаммал дарс, пухта билим, ўқувчиларнинг мустақил, ижодий ишларини йўлга қўйиш дегани ҳамdir. Бугина эмас, яхши дарсликлар ўқувчилар эгаллайдиган билимларнинг ҳажми ва сифатини ҳам кафолатлади. Демак, дарслик туфайли биз педагогик мақсад сифатида кўзда тутадиганимиз асосий ҳолат – акс алоқани ҳам таъминлаган бўламиз.

Кўпгина олимларимиз дарсликлардаги асосий камчиликларни фақат унинг мазмуни билангина эмас, балки шу мазмунни очиб беришга қаратилган шакл ва усулларнинг номуносиблиги билан ҳам алоқалантиришади. Бунинг устига дарсликлар билан ишлаш методикасининг пухта ишланмаганлиги, ёш, тажрибасиз ўқитувчиларимизнинг бу борадаги нўноқликлари ҳам ўқувчиларнинг дарслик устида ишлашга оид кўникма ва малакаларининг тез ва пухта шаклланишига халақит беради.

Ўқувчиларнинг адабиётга оид билимлари, адабий дидлари, сўзни ҳис этишлари, бадиий адабиётнинг сирсиноатини тушуниб, ундан завқ туйишларига оид бўлган жараёнларни, шу жараёнлар билан алоқадор бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини қай тарзда барқарор ва мустаҳкам қилиш, уларни тезлаштириш мумкин бўлади. Бунинг устига адабиётнинг ўкув предмети сифатидаги ўзига хосликларини ҳам назарда тутиш керак

бўлади. Зеро, ҳар қандай билим – кўпинча ақлий меҳнат маҳсули сифатида тасаввур этилади. Бу ўқиш-ўқитиш жараёнининг ўзи тегишли кўнилмаларнинг шакллантирилишига асос бўлади деган гап. Бироқ, адабиёт билишдан ташқари ҳис этишни ҳам тақазо этадики, адабиёт дарслклари мана шу ўзига хосликни ҳам диққат марказида тутиши керак бўлади.



Адабиёт дарсликлариға қўйиладиган замонавий талаблар

Р Е Ж А:

1. Адабиёт дарсликлари.
2. Дарсликлар яратиш бўйича қилинаётган ишлар.
3. Дарсликларга қўйиладиган замонавий талаблар.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов айтгандаридек, “буюк манавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини томиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андазалари ва кўнікмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”¹.

Бунинг бевосита исботи сифатида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Таълим түғрисида”ги Қонунни эслаш мумкин. Таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари мана шу Қонун талабларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракатлар қилинди.

Эндиликда умумий ўрга таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичлари учун давлат таълим стандартлари, намунавий ўкув дастурлари, дарсликлар, ўкув қўлланмаларининг янги авлоди яратилди. Мамлакатимиз таълим тизимидағи янги бўғин – академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ҳам меъёрий хужжатлар комплекслари анча муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Умумий ўрга таълим мактаблари учун тил ва адабиёт фанларидан давлат таълим стандартлари яратилди. Шу асосда ўкув режалари, фан дастурлари тузилди. Бугунги кунда уларга муносиб равишдаги дарсликларга ҳам эгамиз. Хўш, бу дарсликлар қандай талаблар асосида яратилган?

Бу дарсликлар биринчи навбатда ДТС талабларига жавоб бериши керак.

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўкувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражасини белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усусларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ўкув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёрлашни ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир. Таянч ўкув режаси ўкув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўкувчига етказиши учун ажратилган ўкув соатларининг минимум ҳажмдаги микдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўкув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос булади.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан биринчи марта давлат таълим стандарти яратилди¹. Унинг янги авлоди иш тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда тузилмоқда.

“Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усусларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди”².

¹ Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўкув дастури. Таълим тараққиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-махсус сон.

² Умумий Ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. Тошкент, “Шарқ”, 1999, 1-махсус сон, 6-бет.

Дарсликлар қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериши;
- дастур асосида яратилиши;
- йўриқнома (концепция)га мувофиқ бўлиши;
- таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка жавоб берса олиши;
- дарсликлар ҳажм жиҳатидан катта бўлмаслиги;
- тили содда, равон, тушунарли бўлиши;
- танланган асарлар (парчалар) ўқувчининг ёшига мос бўлиши;
- асар танлашда унинг тури ва жанрига ҳам жуда катта эътибор бериш керак. Шеърда шоирнинг шахсий кайфияти, умуминсоний қадриятлар мужассамлашган бўлади. Шунинг учун ҳам шеърдаги оҳанг ёки кайфиятнинг давр билан ҳамоҳанглигига ҳам диққат қилинади. Баён этилган фикрларни умумлаштириб, асар танлашнинг қўйидаги тамойилларига диққатни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:
 - ўрганиш учун танланган асар ўқувчиларнинг танлайдиган касблари билан боғлиқлиги;
 - қизиқишиларига мос келишига эътибор бериш;
 - асар мазмуни, унда кўтарилган муаммолар ўқувчига тушунарли бўлиши;
 - таълимий ва тарбиявий аҳамиятта эга асарни танлаш;
 - асар қаҳрамонларининг руҳияти ва характерини ўқувчи тасаввур ҳамда ҳис қила олсин;
 - танланадиган асар тил жиҳатидан тушунарли бўлсин ёки ўқувчидан тушуниш билан боғлиқ кўплаб қийинчиликлар туғ дирмаслиги. Асар тилининг ҳозирги адабий тил меъёrlарига яқин бўлишига эътибор бериш;
 - танланган асар бадиий жиҳатдан юксак бўлмоғи, ўқувчига эстетик таъсир кўрсата оладиган, унинг бадиий дидини тарбиялашга, маънавий юксалтиришга хизмат қиласидиган бўлиши;
 - мавзу ва жанрлари хилма-хил, услуби ранг-баранг асарларни танлашга эътибор бериш;
 - ўқувчи ёшига мос, ҳажм жиҳатидан жуда катта бўлмаган асарларни мўлжаллаш.

Адабий таълимни тўла амалга оширишда дарслик мұхим аҳамиятга эга. Таълим тизимидағи янгиланишлар дарсликлар мазмуни ва тузилишини ҳам тубдан янгилашни тақозо этмоқда.

Дарслик ўқувчилар билимининг изчил ўсишига, илмий асосга таянишига имкон бериши, болаларнинг ёшини ҳисобга олиш, мавзуларнинг мантиқий алоқадорлигига эътибор бериши лозим. Унда миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиб қилиниши, ўқувчилардаги юксак ахлоқий ва эстетик дидларнинг шаклланиши ва тарбияланишига хизмат қилмоғи лозим.

Дарслик, биринчи навбатда ўқувчини қизиқтирадиган, фақат билим бериш билан чекланиб қолмасдан, болани фаолиятга, амалий ишга чорлайдиган бўлиши, унинг мустақил фикрлашига, ижодий изланишига, ички имкониятини рўёбга чиқаришига ёрдам бериши зарур.

“Гап шундаки, ўқувчига керакли ёрдам ўқитувчи томонидан эмас, дарслик томонидан берилиши кутилаётган натижани самарали қиласди. Чунки ўқитувчи топшириқни муаллимнинг буйругини бажариш учун эмас, балки ўз кучига ишонган ҳолда бажаради. Унда дадиллик, ишонч, тиришқоқлик ортади. Бошқа воситаларга қараганда дарслик энг қизиқ ёки тушунилиши қийин бўлган ўринларга қайтиш ва уларни кейинчалик мукаммал ўйлаб кўриш имконини бериш билан устунликка эга. Ўқувчининг доимий ҳамроҳи. Уйда, мактабда, хоҳлаган вақтда фойдаланиши мумкин бўлган дарслик ўқувчидаги яхши хулқ таркиб топишида дастлаб ўзига жалб эта оладиган, қизиқтирадиган, ўйлантирадиган, ўтиш даври ёшдагиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши лозимдир”¹.

Хўш, замонавий дарслик қандай бўлиши керак?

“Замонавий дарслик давлат таълим стандарти, ўкув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқбол foяси сингдирилган, муайян ўкув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан

¹ Тўйчиева М. Адабиёт дарсликларидағи савол ва топшириқлар ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. 2005, 3-сон, 17-20-бетлар

асосларининг мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган, дид билан ишланган расмлар билан бойитилган матбаа сифати юқори бўлиши лозим”¹.

Дарсликларда бугунги фан-техника ютуқлари, замон талаблари, янги технологиялар акс этмоғи керак.

Дарсликларда ёзувчининг ҳаёти ва ижоди акс этади. Бунда нималарга эътибор бериш керак? Ёзувчининг ҳаёти ва ижодидаги қайси нуқталар ўқувчилар учун муҳим ҳисобланади. «Адабиёт ўқитиши методикаси муаллифлари бу ҳақда шундай дейишади: «Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги лекция учун Голубков дарслигига қуйидаги қоидалар таклиф этилган. Лекция қуйидагиларни ёритиб бериши керак: 1) ёзувчининг санъаткор ва мутафаккир сифатидаги ўзига хослиги нимадан иборат; 2) у давр билан қандай боғланган; 3) ёзувчининг услуби қай тарзда ривожланган, унинг ижодий йўлидаги асосий босқичлар нималардан иборат эди; 4) у ижтимоий ҳаётга ҳамда адабиёт тарихига қандай ҳисса кўши»².

Мана шу талаблар турли синфдаги ўқувчиларнинг ёши ҳамда адабий тайёргарлигига кўра турли шакл ва усуllibарда амалга оширилади.

Агар дарсликларда матнларнинг берилишини назарда тутадиган бўлсан, уларнинг бир неча хил кўринишларини қайд этиш мумкин. Буларнинг орасида **асосий** матн устувор мавқе тутади. Асосий матн деганда биз бевосита бадиий асарнинг ўзини назарда тутамиз. У қайси тур ва жанрга алоқадор бўлмасин, ўқувчи учун асосий ўрганиш обьекти бўлади. Ҳикоялаш-тавсифлаш руҳидаги талқин ва таҳлиллар ҳам шу сирага киради.

Баъзан **қўшимча материаллар** ҳам зарур бўлиб қолади. Дарсликларда бундай ҳолат учраб туради. Булар сирасига муайян тарихий давр, алоҳида олинган ижодкор тўғрисидаги

¹ Отахонова С. Дарсликлар ҳақида // “Маърифат” газетаси. 2004 йил. 9 июнь, 46-сон.

² Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О. Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереотипное, 2002, — С.97.

машхур кишилар, ижодкорнинг замондошлари томонидан айтилган фикр ва эътирофларни киритиш мумкин. Баъзан тарихий ҳодиса ёки бадиий асарнинг парчаларини курсатувчи ҳужжатлар, архив ва қўлёзма манбалардаги маълумотлар шу вазифани адо этади.

Ўрни билан изоҳлаш-тушунтириш йўналишидаги материаллар ҳам керак бўлиб қолади. Қаҳрамоннинг муайян вазиятдаги хатти-ҳаракатлари, муайян жой ёки урф-одатлар изоҳи шундай усулни тақозо этади. Алоҳида терминларни, тушунчаларни изоҳлаш, адабий-назарий тушунчаларга бериладиган изоҳ ва шарҳлар шулар жумласига киради.

Муаммоли ҳолатлар билан боғлиқ ифодалар ҳам дарсликларимизда учраб туради.

Дарсликларнинг безатилиши ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳозиргача адабиёт дарсликларининг катта қисмида расм ва бошқа иллюстрациялардан жуда кам фойдаланилади. Расмлар асосан ижодкорларнинг оқ-қора рангдаги портретларидангина иборат, холос. Уларда турли жадваллар, схемалар, диаграммалардан фойдаланиш имконияти борлигини эслатиш жоиз кўринади. Кейинги пайтларда айрим дарсликларда хронологик жадвалларнинг пайдо бўлаётганини эслатиш жоиз.

Дарсликларнинг илмий аппаратига савол ва топшириқлар, луғат ва изоҳлар ҳам киради. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфларидаги Адабиёт дарсликлирида савол ва топшириқларнинг сони ҳам, мазмуни ҳам ранг-баранг. Улар бир-биридан катта фарқ қиласди. Бу муаллифларнинг ёндошувларига, адбий материалнинг характерига ҳам боғлиқ. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларни амалга оширишларида яқиндан ёрдам беради.

Дарслик материаллари билан танишиш асосида уларни қўйидаги туркумларга ажратиш мумкин бўлади:

1. Ўқув материалини қайта эсга олишга ундейдиган – репродуктив характердаги саволлар.

2. Айрим кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган саволлар. Бунга бевосита бадиий матн устида ишлаш, ўлкашунослик материалларини излаш, топиш ва

ундан фойдаланиш, айрим жадвалларни түзиш, ахборот ва рефератлар түзишни киритиш мумкин.

3. Билим ва күникмаларни амалиёттә татбиқ этишни талаб қыладиган саволлар. Булар сирасига асардаги муайян адабий-назарий тушунчанинг изоҳини кўрсатиш, қўйилган адабий асар ҳақида шахсий нуқтаи назарини билдириш, ижодий ишларни амалга ошириш мансуб бўлади.

4. Ўқувчидан муайян воқеа-ҳодисаларга нисбатан эмоционал муносабат билдиришни талаб қыладиган саволлар.

Умумий тарзда айтиладиган бўлса, ўқувчиларимизнинг ижодий имкониятларини оширишга йўналтириладиган савол ва топшириқларни кўпайтириш зарурати бор.

Савол ва топшириқлар:

1. Замонавий дарслик тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Адабиёт дарсликларининг янги авлодига хос бўлган ўзгаришларни тушуниринг.
3. 6-, 8-синф Адабиёт дарсликларининг иккита: янги ва эски вариантларини қиёсланг. Улардаги ўзгаришлар нималарда намоён бўлган?



Адабиёт дарсликларининг таълим босқичларига кўра турлари

Р Е Ж А:

1. Умумтаълим мактабларида “Адабиёт” дарс-ликлари.
2. Академик лицейларда “Адабиёт” дарсликлари.
3. Касб-хунар коллежларида “Она тили ва адабиёт” дарсликлари.
4. Олий таълимдаги дарслик ва қўлланмалар.

Маълумки, адабиёт мустақил фан сифатида бошлангич таълим тугаганидан сўнг (IV синф) ўтила бошлайди. Албатта, бу даврда ўқувчи адабиёт ва ифодали ўқиш малакасининг дастлабки босқичини эгаллаган, сўз санъати ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлган бўлади.

Бола мактабгача бўлган ёшдаёқ сўз санъати ичida бўлади. «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади»¹. Худди шу даврда у, асосан тингловчи, баъзан ўқувчи шаклида дастлабки одимларини ташлайди. Демак, ўқувчи V синфга келганида ўқиш, ёзиш, китобхонлик маданиятига оид дастлабки тайёргарлик билан келади. Улар бадиий асар билан танишишнинг ибтидоий кўникмаларига эга бўлишади. Жумладан, IV синф ўқувчилари матнни ифодали ўқий олишлари, ҳаракатланувчи шахслар ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун материал тўплаш, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, уларга нисбатан ўз муносабатини ифодалай олиш, адабий қаҳрамон ҳақида ихчам ҳикоя тузиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш лозим. V синф ўқувчиси ҳали бадиий асарнинг барча хусусият-ларини тўла ўзлаштиришга тайёр бўлмайди.

Бошлангич синфларда кўпроқ ҳалқ оғзаки ижодига тегишли поэтик жанрлар: тезайтиш, эртак, мақол,

¹ “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекитон Республикаси қонуни. 11-модда.

топишмоқлардан фойдаланилади. Мавзу доирасига кўра эса уларда меҳнат, баҳт, Ватан, оила, йил фасллари, атрофимиздаги олам, инсон, инсон маънавиятидаги эзгу ва ёмон хусусиятлар илмий-оммабоп мақолалар тарзида ёритилган. Демак, бошлангич синфлардек болаларнинг бадиий эстетик лиди ҳамда китобхонлик маданиятининг шаклланиши учун имкон қилинган. Энди V синфдан бошлабоқ уларнинг ўқиши ва нутқ кўнилмаларига таяниб туриб, асарни бадиий ҳис этиш, эстетик ҳис-туйғуларини ўстиришга алоҳида эътибор бериш зарурияти ҳам эътиборда туриши лозим.

V синф дастуридаёқ турли жанрлардаги асарлар билан танишиш тақозо этилади. Улар орасида қўшиқ, мақол, топишмоқ афсона, эртак, латифа, достон, ҳикоя, рубоий, масал, қисса, роман каби хилма-хил жанрлар мавжуд. Бугина эмас, дастурда турли адабий тушунчалар ҳамда ёзувчи ва шоирлар ҳақида, уларнинг асарлари ҳақида ҳам маълумот бериш кўзда тутилган. Аммо тарихий-адабий изчиллик том маъноси билан IV-VII синф адабиёт дастурлари талаблари сирасига кирмайди, зеро ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам бунга имкон бермайди. Бу вазифалар VIII - IX синфларда амалга оширилади.

Умумтаълим мактабларида “Адабиёт” дарслик-мажмуа, “Адабиёт” дарслиги ва “Адабиёт” мажмуасидан фойдаланилади. Кейинги йилларда дарсликлар учун “Ўқитувчи” методик қўлланмаси ҳам яратилмоқда. Бу қўлланмалар она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун методик ёрдам вазифасини ўтайди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим босқичлари янги тизимга ўтмоқда. Жумладан. Умумтаълим мактабларидан сўнг уч йиллик академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари истеъмолга киритилди. Бу ёшларнинг фан асосларини жиддийроқ ва пухтароқ эгаллашлари учун муҳим омилдир. Айниқса, академик лицейлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да бу борада шундай дейилади: “Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал

интелектуал ривожланиши чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларнинг биринчи босқичи учун яратилган “Адабиёт” дарслигига таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилган. Дарсликда мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан парча ва шеърий асарларидан намуналар берилган. Асосий эътибор эса уларнинг таҳлил ва талқинларига қаратилган.

Академик лицейларда Адабиёт ўкув предмети сифатида учала босқичда ҳам ўрганилади. Ўкув дастурига мувофиқ биринчи ва иккинчи босқичларда мумтоз адабиёт, учинчи босқичда йигирманчи аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараённинг ўрганилиши режалаштирилган. Бу ерда адабиёт тизими курси сифатида тақдим этилган.

Академик лицейларнинг биринчи босқичи учун чиқарилган дарслик энг қадимги даврлардан бошлаб ўн бешинчи асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни камраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг 9-синфини битириб келган ўқувчиларда муайян тажрибаларнинг, кўникма ва малакаларнинг бўлиши табиий. Шунга кўра бу босқичда айrim назарий маълумотларни бериш, умумлаштирувчи характердаги материалларни тавсия этиш ҳам мумкин бўлади. Дарслик айнан мана шу типдаги материаллар билан бошланади.

Адабиёт — сўз санъати

Адабиёт сўз санъатидир. У инсон қалби ва руҳидаги нозик товланиши ва оҳангларни илғашга, уларни сўз воситасида акс эттиришга интилади. Энг олий даражса, юксак погоналарга чиқа оладиган бадиий адабиёт намуналари инсониятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган ўй-фикрлар, кечинмалар, орзу-умидларни ифодалайди.

Дунёда инсонлар бир-бирларига ўхшамаганларидай, уларнинг қалб кечинмалари ҳам тақрорланмасдир. Ўзбек адабиёти тарихи инсон руҳий ҳолатларини маҳорат билан

акс эттирган дурдоналарга бой. Улар ҳозирги авлод рухиятида, қалбидә ҳам ҳаяжон уйғота олади, уларнинг маънавий бойишларига тегишили ҳисса қўша олади. Муҳими, улар фақат маърифий билимимизни ошириш билан чекланмай, бадиий дидимиз тақомилига, маънавий камолотга хизмат қиласди.

Адабиёт ... сўз санъати. Аммо санъат турлари нуҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик, театр, кино, мусиқа, рақс ва бадиий адабиёт санъатнинг турларини ташкил қиласди. Уларнинг барчасида юксак бадиий таъсирчан образлар яратиш кўзда тутилган. Аммо улар ана шу ягона мақсадга турли туман йўллар билан эришади. Масалан, рақс ҳаракатлар, тана аъзоларининг ифода имкониятларига таянади. Мусиқа товушлар уйғулигига, товушларнинг ҳиссий ифодасига боғлиқ. Тасвирий санъат учун рангларнинг ўзаро мутаносиблиги алоҳида аҳамият касб этади. Рассомга бўёқ ва мўйқалам ёрдам беради. Ҳайкалтароши эса ҳом материал (тош, ганч, ёғоч, метал) даги ортиқча ўринларни йўниши ҳисобига гўзаллик яратади. Адабиёт эса, бу санъатлардан сўз ва руҳнинг беқиёс имкониятлари билан фарқланади.

Сўзлар бадиий матннинг юзага келишига омил бўлади, аммо ҳар қандай матн ва сўзлар бадиий адабиётга даҳлдор бўлавермайди. Бунинг учун сўз муайян бадиий-эстетик вазифани бажариши лозим бўлади. Шунга кўра ҳам бадиий адабиёт воқеа-ходисаларни ёки инсоний кечинмалар, ҳистийгуларни баён қиласмайди, балки уларни тасвирлайди.

Тасвир сўзга таянади. Сўз сехр, мўъжиза билан ўзига маҳлиё қиласди, ром қилиб олади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртакка, катталар бадиий ижоднинг турли кўринишларига нуҳоятда қизиқиб қарайди, уларнинг оламига кириб қолгач, ўзини ҳам шу оламга мансуб ҳисоблайди.

Адабиётнинг таъсир кучи нимада? У нималарга боғлиқ? Бунинг учун иирик сўз санъаткорлари яратган кўплаб дурдона асарларнинг халқ орасида алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонганилигини эслаш жоиз.

Юсуф Ҳос Ҳожиб XI асрда ... 1069-70-йиларда «Қутадғу билиг» достонини ёзиб тугатади ва уни Қорахоний ҳукмдорларидан Табғач Буғро Қорахон Або Али Ҳасан бинни

Арслонхонга тақдим этади. Шу куниёқ ҳукмдор адига мамлакатдаги энг юқори мансаблардан бири — хос ҳожибликни беради. Хос Ҳожиб «эшик оғаси» демакдир. Ҳозирги тилимизда, у «иши бошқарувчи»га тұғри келади.

Яна бир мисол. Алишер Навоий «Хамса» достонини түгатғач, уни Ҳусайн Бойқарога совға сиғатида топширади. Ҳусайн Бойқаро бутун аттёнлари олдида Навоийни үз «пир» и деб әйлон қилади ва Навоийни отға миндириб, үзи халқ олдида унинг олдига тушиб, жиловдорлық қилади. Бу мамлакат подшосининг буюк истеъдод әгасига, сүз санъаткорига нисбатан ҳурматта әзтироғи рамзи әди.

Ўзбек халқининг ижодкорларига нисбатан алоҳида ҳурмат ва әзтироми ҳам яхши маълумдир. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугот ит-турк» асарида «Ардам бashi—тил» («Барча фазилатларнинг боши тилдир») деган мақол учрайди. Демак, тил ва бадиий сўзнинг қудратига қадим замонлардаёт аждодларимиз алоҳида әзтибор беришган».


Адабиёт — жамият ҳаётининг қўзгуси

Адабиёт халқ, жамият ҳаётининг ўзига хос ифодаси ҳамдир. У жамият тарихидаги жиiddий ўзгаришларни хилма-хил образлар воситасида турли бадиий шаклларда акс эттиради. Шунга кўра, эрамизнинг VIII асрларигача яратилган асарларда қадимги аждодларимизнинг, урфодат, әзтиқодлари ифодаланган бўлса, кейинги даврларда ислом таълимоти билан ҳамоҳанглик кучайганлигини кузатиши мумкин. Ҳусусан, масаввуфнинг адабиётдаги кўриниши жамият ҳаётидаги кескин ўзгаришлар билан алоқадор ҳолда ривожланди.

Аждодларимизнинг чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашлари тарихий манбалардан яхши маълум. Айни ана шу жараён «Тўмарис» ва «Широқ» афсоналарида жуда ёрқин акс этган.

Туркий халқларнинг табғачларга қарши кураши эса Ўрхун-Энасой обидаларида жуда таъсирли ифодасини топган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугот ит-турк» асарида қадимги аждодларнинг турли-туман машғулотлари, урф-



одатлари, яшаши тарзлари, эътиқод ва қизиқишиларининг ҳам ифодасини кўриши қийин эмас.

Халқимиз қадимдан фарзандларининг соғлом, ақли, доно, меҳнатсевар, халқпарвар бўлишини орзу қилишади, шунга интилишади. Қадимги қўшиқлар, мақол, афсона, достонларда, қасида ҳатто марсияларда ҳам ана шу ҳолатлар ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Юсуф Ҳос Ҳојсиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Сайфи Саройи, Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва бошқа адилларнинг номларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек адабиёти ўзбек халқининг ўзи сингари жуда бой, қадими тарихга эга. Унинг ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт йўли, ривожланиш қонуниятлари бор. Буларни ҳис этиш, англаш ва умумлаштириш учун унинг тарихини пухта ўрганиш зарур. Адабиёт тарихи сўз санъатининг ривожланиш жараёнлари, мумтоз намояндалари ҳақида маълумот беради. Бу фан туфайли қадимда яшаб ижод этган буюк адиллар яратган нодир асалар, бадиий тафаккурдаги ривожланиш ва янгиликлар ҳақида масаввурлар ҳосил бўлади.

Ўзбеклар қадимги туркий халқларнинг кўпсонли авлодларидан биридир. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, қадимги аждодларимиз туркийлар деб номланган. Шунга кўра, энг қадимги даврлардан бошлиб XI-XII асрларгacha бўлган давр оралиғида яратилган адабиёт фанда қадимги туркий адабиёт номи билан юритилади.

Қадимги аждодларимиз Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна, Чоч, Паркан (Фарғона) ва бошқа жойларда яшаганлар. Юнон ва Эрон манбаларининг маълумотларига кўра, бу ерларда яшаганларни сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, марғиёналиклар, чочликлар, массагетлар, сак (шак) ва парканлар деб аташган.

Олтой атрофида, ҳозирги Сибир ҳудудлари ҳам туркийлар яшаган асосий манзилгоҳлар бўлган. Манбаларда хунлар деб ном олган халқлар ҳам туркийларнинг қадим аждодлариидир.

Аждодларимиз турли вақтларда оташпаратлик, масоҳийлик (христианлик), буддавийлик, манихейлик (монийлик) ва ислом динига эътиқод қилганлар.

Улар санъат, айниқса, бадиий ижоднинг оламшумул намуналарини яратишган. Маълумки, адабиётнинг асоси, бош, ўзак томири халқ оғзаки ижодидан бошланади. «Тўмарис», «Широк» сингари ривоятлар эрамиздан олдинги даврларда яшаган туркий халқлар томонидан яратилган оғзаки ижод дурдоналаридир. Эрамизнинг V-VIII асрларида пайдо бўлган оғзаки ижоднинг бошқа намуналари: эртак, қўшиқ, марсия, ривоят, афсона, мақоллар Маҳмуд Кошварийнинг «Девону лугот им-турк» (1072 йил) асари орқали етиб келган ва нодир намуналар сифатида ҳозир ҳам ардоқлидир. Улар орқали кўплаб адабий жанрларнинг пайдо бўлиши, такомилини ҳам кузатиши мумкин.

Туркий ёзма адабиётнинг бизгача етиб келган илк намуналари Ўрхун-Энасой битиклари билан боғлиқ. Бу ёдгорликлар эрамизнинг VI-VIII асрларида яратилган. Улар илк тарихий-бадиий асарлар сифатида қимматли. Кейинги асрларга келиб адабиётимиз бой тажриба тўплади. Бу даврда туркий тилда яратилган илк иирик ёзма достон — Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») (1069-1070 йил) асари юзага келди. Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган достончилик анъанаси кейинчалик Аҳмад Югнакий, Сайфи Саройи, Кутб, Ҳайдар Хоразмий, Навоий каби шоирлар, адаблар ижодидан давом эттирилди.

Тўртлик, рубоий, туюқ, мураббаъ, газал, қасида, маснавий, нома каби жанрларнинг ўзбек адабиётидаги тарихи ҳам анча қадимги даврларда шакланган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Атоий, Гадоий, Саккокий, Лутфий каби шоирларимиз бу жанрларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшишиган.

Ўзбек насрининг тарихи ҳам қадимги даврлардан бошланади. «Широк», «Тўмарис» каби ривоятларнинг асл матни сақланиб қолмаган. Улар юони тарихчиларининг асарлари орқали бизгача етиб келган.

Ўрхун-Энасой обидаларида ҳам наср излари мавжуд. Шунингдек, «Олтун ёруқ» сингари таржима асарлари ҳам насрда битилган. Шубҳасиз, бу соҳада Носириддин Рабгузийнинг (XIII-XIV асрлар) алоҳида ўрни бор. У «Қиссас ул-анбиё» («Пайғамбарлар тарихи») асари билан ўзбек насрини ўз даврида юқори чўққига олиб чиққан, дейши мумкин».

АДАБИЁТ ВА БОШҚА ФАНЛАР

Адабиёт ҳам олам ҳодисалари ҳақида билим ва маълумот беради. Бу жиҳатдан у фанга, фаннинг турли тармоқлари: фалсафа, табиатшунослик, кимё, физика, тарих ва бошқаларга ўхшайди. Аммо улар ҳаёт ҳодисаларини акс эттириши усулига кўра ўзаро фарқланади. Зоро, фан илмий умумлашмаларга таянса, адабиёт бадиий образларга суюнади.

Фан — жамиятнинг муайян қисми шуғулланадиган соҳа. Масалан, кимё фани билан ҳамма шуғулланмайди, бунинг учун муайян қизиқиш, малака ва тажриба, жиддий илмий тайёргарлик керак. Физика, математика, ботаника, табиатшунослик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бадиий адабиёт эса кишиларнинг ёши ва жинси, касби ва лавозимига боғлиқ эмас. Уни ҳамма ўқиши мумкин ва унга ҳар бир инсон қизиқади. Бошқа юрт ва мамлакатларда яратилган бадиий асарлар ҳам севиб ўқилиши мумкин. Қадимги юон адабиёти («Илиада», «Одиссея» ва бошқалар), Ўрхун-Энасой обидалари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Навоий «Ҳамса»си жаҳон халқлари учун гўзал маънавий мулкодир. Демак, адабиёт кўпчилик учун, халқ учун хизмат қиласди. Адабиётнинг оммавийлиги унинг асосий ҳусусиятларидан биридир.

Адабиётнинг оғзаки тури кўпчилик томонидан, халқ томонидан яратилади. Ёзма адабиёт маълум шахслар, алоҳида қобилият ва истеъодод эгалари томонидан яратилади. Аммо асар битилганидан кейин у халқ мулкига айланади. Шунинг учун ҳам айрим адаблар номи халқ номи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан, форс-тоғик адабиёти деганда Рӯдакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Жомийлар; қозоқ адабиёти деганда Абай, Мухтор Авезов; қирғиз адабиёти деганда Чингиз Айтматовлар эсга олинади. Ёки Навоий, Бобур, Оғаҳий, Машраб, Муқимий деганда жаҳон аҳли узбек халқини эслайди.

Биз юқорида бадиий адабиёт ҳам олам ҳодисаларини англашга ёрдам беришини айтиб ўтган эдик. Аммо бу унинг ягона асосий ҳусусияти эмас. Адабиёт халқ, жамият ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Адабиётни ҳаёт ойнаси дейиш мумкин. Унда жамият ҳаётининг энг муҳим қирралари акс этади. Жумладан, Ўрхун-Энасой обидаларида қадим ажододларимизнинг мустақиллик,

эрк, озодлик йўлидаги шизжоатли курашлари ифодаланган бўлса, «Широқ», «Тўмарис» каби афсоналарда қадимги аждодларнинг ёвуз босқинчиларга қарши мардонавар кураши ҳамда она юрт ҳимояси йўлидаги жанговар қаҳрамонликлари ифодаланган. Булар тарих ҳақиқатига ҳам мосдир. Ёки мўғул истилочиларига қарши кураш бир қатор асарларда ўз бадиий ифодасини топган. Шулардан бирни сифатида «Гулдурсун» афсонасини эслатиш мумкин.

Демак, адабиёт тарих билан ёнма-ён яшайди. Аммо уларнинг тасвир объектлари ҳам, воситалари ҳам бошқабошқадир. Тарих кишилик жамиятининг тараққиёт босқичларини ўрганувчи фандир. Бадиий адабиёт эса турли даврлардаги халқ ҳаётини, инсон руҳиятининг ўзига хос қирраларини кашф этувчи санъатдир.

Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону лугот им-турк» асарида қадимги қабилавий ҳаёт, овчилик, дехқончилик, чорвачилик билан боғланиб кетадиган лавҳалар кўп учрайди.

Бадиий асарлар инсон кечинмалари билан боғлиқ. Уларда инсоний ҳузур ва алам, шодлик ва қайгу, баҳт ва кулфат, ифтихор ва афсус, куйинчаклик ва лоқайдлик тасвири этилган. Шунинг учун ҳам инсоният адабиётга бефарқ, лоқайд қарай олмайди. Ундан ўз кўнгил мулкини — маънавиятини бойитши учун фойдаланади. Ёш авлод вакилларининг муайян асар қаҳрамонларига тақлид қилишлари бежиз эмас.

Адабиёт ҳаётнинг инъикоси сифатида ҳар қандай ҳодисани акс этириши мумкин. Бадиий асарларда уруши ва тинчлик, тоғ ва дарёлар, шаҳар ва қишлоқ, инсон ва ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами, ҳатто сукунат ҳам қаламга олинаверади. Аммо буларнинг барчаси инсон қалби, унинг руҳияти, маънавияти билан боғлиқ бўлади. Демак, адабиётнинг марказида ҳар доим инсон туради. Аммо бу ҳар бир асарда инсон образининг қатнашувини шарт қилиб қўймайди. Масалан, гул, баҳор, қуш, тош, от, им тасвирига бағишлиланган асарлар бўлиши мумкин (бундай асарлар кўп). Бироқ, бу асарларда ҳам инсоннинг борлиқка бўлган муносабати акс этиган. Аслида булар инсоннинг гўзаликка бўлган интилиши билан боғлиқ. Шу маънода адабиётни эстетик тарбия воситаси ҳам дейишади. Зоро, у инсон қалбининг гўзаликдан завқ ва баҳра олишига яна бир имкон беради. Қабоҳат, разолат, ёвузлик тасвирида эса

инсоннинг уларга нисбатан нафрати ифодаланган бўлади.
Бунда адабиётга бадий тасвир — образлилик ёрдам беради».

Дарсликда адабий материалларнинг берилишида ўзига хос йўл танланган. Дастлаб муаллиф ҳақидаги маълумотлар берилади.

Биз Сайфи Саройи ҳақидаги бўлимнинг берилишини кузатишшимиз мумкин. Дастлаб адебнинг туғилган жойи, унинг «Саройи» тахалусини олиш сабаблари изоҳланади:

“САЙФИ САРОЙИ” **(1321-1396)**

Сайфи Саройи ўзбек адабиёти тарихида алоҳида мавқега эга бўлган йирик адаблардан. У 1321 йилда Қамишли юртида туғилган. Қамишли — Хоразмдаги қишилоқлардан бирининг номи. Аммо шу ном Волга бўйида ҳам жуда кўп учрайди. У Қамишилидан билимини ошириш учун Саройга келади. Сарой — Олтин Ўрда давлатининг пойтахтидир. Муҳаммад ибн Арабиоҳнинг ёзишича, «Сарой тутган ўрни ва халқининг жуда кўп бўлиши билан энг катта шаҳарларнинг бириси эди. У фан марказига айланди. Оз вақт ичиди бу ерда кўплаб атоқли, машҳур кишилар тұпланди». Улар орасида Кутбиддин ар-Розий, Масъуд Тафтазоний, Камолиддин ат-Туркманий, Ҳофиз Муҳаммад ибн Баззозийлар бор эди. Шунингдек, машҳур шоир Камолиддин Ҳўжандийнинг ҳам XIV аср охирларида Саройда яшаб ижод этганлиги яхши маълум.

Шоир шу ерда яшаб турган даврида «Саройи» деган тахалусини олган. Сайфи — унинг исми бўлиб, «қилич» деган маънони билдиради.»

Кейин унинг ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар ҳақида тўхтади үтилади:

Умрининг охирларида у Олтин Ўрдадан Миср — Шомга кетган ва уша ерда яшаган.

Ўсиб тупроғим узра найзалар, мен эвдин айрилдим,
Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юрга эврилдим.
Нечун менга фалак жабр айлади, қандай гуноҳим бор?
Илоҳо, айла кам жабринг, мен элга содик ул эрдим, —
деган мисралар шу қисматга ишора. У ўз юртидан кетишни

«фалак жабр айлади» деб изоҳламоқда. «Тупроғим узра наизалар ўсди» деган жумла замираиди Чингизхон истилосининг оқибатлари назарга олинмоқда».

Шундан кейин адид ёзган асарларга ўтилади: «Ўзининг «Гулистан бит-туркӣ» («Туркӣ гулистан») асарини у Миср амири Батҳас бекка бағишлаган эди. Асар 1391 йилда ёзилган. Ундан кейин яратилган «Сұхайл ва Гулдурсун» достони 1394 йилда ёзилган. Адид таҳминан 1396 йилда вафот этган».

Шундан кейин адиднинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссалари кўрсатилади:

«Сайфи Саройининг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Айниқса, ғазал жанрида у катта маҳорат эгаси бўлган. Ўзидан олдин яшаб ижод этган ғазалнавис шоирлар ижодини ўрганганди адид:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,

Кими булбул дурур сўзда, кими зоф —

деб ёзаркан, ижод майдонини боғ гулшанига, шоирларни эса шу боғдаги қўшларга ўхшатади. Албатта, булбул ва зоф образлари орқали адид кўзда тутаётган шоирлар тури аёндир. У камтарлик билан шундай ёзади:

Уларнинг уш бири Сайфи Саройи,

Жаҳон орифларининг хоки пойи.

Ани сен жумла шоир камтари бил,

Қамар юзға ҳамиша муштари бил».

Дарсликда шоирнинг маҳоратини кўрсатувчи белгилар алоҳида таҳлилга тортилади:

«Ғазаларида шоирнинг ўзига хос завқи, овози, тасвир усуслари жуда очиқ кўзга ташланади.

Маълумки, гўзал ёр юзининг ойга нисбат берилиши ғазалчилик тарихида қадим анънага эга. «Топулмас ҳусн мулкинда» ғазалида Сайфи Саройи ҳам шу анънага содиқ қолади. Аммо у шу ерда тўхтамайди, балки бу ўхшатишнинг янги бир қурраларини кашф этади:

Топулмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар,
На манзар — манзари шоҳид, на шоҳид — шоҳиди дилбар.

Хусн дарёсида сенга тенг бўлган ой юзли гўзал топилмайди. Яъни сен тенгсиз гўзалсан, демоқда шоир. Аммо бугина эмас, бу ой юз фақат гўзал маъшуқанинггина юзи. Бу маъшуқа гўзал ва дилбардир.

Кейинги байт ана шу гўзалик сабабини изоҳлашга қаратилган, яъни бекиёс гўзалик соҳиби бўлган Юсуфнинг жамолини ҳақ сенга инъом қилган. Бу инъом буюк неъмат, катта давлат бўлиб, ушбу давлат ифтихор қилса арзийдиган дарајсададир.

Ана шундан кейин шоир маъшуқанинг маънавий хислатлари тасвирига тўхтаб ўтади. Унинг сўзлари ниҳоятда нозик ва қимматли, шунинг учун ҳам дуру гавҳарларга қиёсланмоқда. Унинг хулқи ёқимли (шакардан томли), муруввати ҳам кўнгилдагидай (карамда хотиринг матлаб). Шунинг учун ҳам бундай гўзал ёр билан ҳамсұҳбат бўлган ошиқ ўзини энг буюк давлатманд мартабасида кўра олади. Зеро, «Хусн шавқу завқини кўнгил тўтилари топса», бундан ортиқ лаззат бўлиши мумкинми?

Ушбу ғазалда истиора, ташбех, такрор, талмех, таносиб, ружу каби бир қатор шеърий санъатлар қўлланган. Айниқса, шоир ўз ташбех ва тавсифларида бир фикрни гўё ўртага қўйиб, сўнг уни кетма-кет инкор қилиш билан тасвир объектининг ўзига хос жиҳатларини янгидан тасдиқлаш йўлини топган.

Сайфи Саройининг бошқа ғазалларида ҳам ўзига хос жиҳатлар жуда очиқ кўринади. «Қамар юзунгдин ...» ғазалининг матлаъсида ҳар икки мисрадаги барча «ёнмаён» сўзлар ўзаро қофиядош бўлиб келган.

Қамар юзунгдин бўлур мунаввар.

Шакар сўзунгдин келур мукаррар.

Одатда, шеър мисралардаги охирги сўзларгина қофияланиб келарди. Бу ерда ҳар бир мисрадаги тўрттала сўз ҳам ўзаро қофиядошлик дарајасига кўтарилган. Бу ерда қамар: шакар, юзунгдин: сўзингдин, бўлур: келур, мунаввар: мукаррар сўзлари ўзаро қофиядош бўлмоқда. Ҳар икки мисра ўртасидаги тўлиқ қофиядошлик ҳодисаси тарсеъ деб юритилади. «Тарсеъ»нинг луғавий маъноси «инга маржон тизиши» дир.

Эътибор берилса, бу ерда ҳам ёрниг юзи ойга нисбат берилмоқда. Аммо олдинги ғазалда юз ойга үшатилган эди. Бу ерда эса ойнинг нур таралишига сабаб, ёрниг юзи деб кўрсатилмоқда. Сўнг эса юз қўёшга нисбат берилмоқда. Ёр шунчалик гўзал латофатлики, унинг хаёлий тасвири ҳам кўнгилларга фараҳ, шодлик ва қувонч беради. Бироқ ошиқ ёрдан узоқда, шунга кўра у ёрга интилади. Ҳозирча эса ўз шайдолигини дафтарларга тафсир, изоҳ сифатида битмоқда.

Бошқа ғазаларида Сайфи Саройи деб имзо чеккан шоир бу ерда Сайфи тахаллусини қўллаган.

Сайфи Саройи маснавийлари ҳам алоҳида мавқега эга. Бу жиҳатдан «Васф ул-шуаро» шеъри аҳамиятлидир. У «Шоирлар васфи» демакдир. Ушибу маснавийда адаб ўзининг адабий-эстетик қарашларини баён этади. У ижодкорларнинг турли гурухлари мавжуд эканлигини (булбул, зор), шунга мувофиқ уларнинг тақлиидчи (*тўти*) ёки мустақил ижодкор бўлиши ва бошқа хусусиятлар ҳақида тўхтаб ўтади. Буни адабий танқидчиликнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Ўзбек достончилиги равнақи тарихи ҳам Сайфи Саройининг номи билан зийнатланган. Унинг «Суҳайл ва Гулдурсун» деган достони ана шу анъанани бойитади. Достон 82 байт—164 мисрадан иборат.

Муаллиф достон воқеаларининг тарихий асослари борлигини шундай таъкидлайди:

*Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,
Бу чин афсонадек ишқда етилмиш.*

Демак, достон мавзуси ҳам ишқ-муҳаббат билан боғлиқ.

Воқеалар Темурнинг Урганчга лашкар тортиб келиши билан бошланади. Бу ердаги уруш манзаралари тасвири ўз реалиги ва таъсир кучи билан ажralиб туради. Жанг асносида Суҳайл асирга тушиб қолади. Шоҳ қизи — Гулдурсун Суҳайлни кўриб, уни севиб қолади.

Гулдурсун зинданбандларга панд бериб, уларни маст қилиб қўйгач, Суҳайл билан қочишаади.

*Алар құйди иккиси йүл сари пой,
Боқиб турғонда йүлға зар сочиб ой.*

Сұнг:

*Алар күп юрдию сахроға кирди,
Гунашдин сахро ичра дұзах эрди.
Йүқ әрди сув, емакка анда үтмақ,
Агар бұлғанда ҳам ақчаси лак-лак.*

*Ана шу қийин ҳалда очлик ва ташналиқдан Гулдурсун
хүшини йүқтөади.*

*Сұхайл борди тонарға сувға, донға,
Вале дармон беролмай қолди жонға.*

*Ерсиз ҳаёт мазмуни қолмаслигини идрок этган Сұхайл
үзига тиғ уради ва ҳалок бұлади.*

*Алар узра тұқилди, күмди тупроқ,
Бу сирни танқо сахро билди күпроқ.*

*Ана шу воқеалар баёнидан сұнг шоир буюк бир әхтирос
билан бундай улуғ ва қудратли муҳаббат әгаларини
улуғлайды.*

*Ұлурму севги ҳам бил, шундин ортуқ,
Ки иккиси қилур жонини тортуқ.*

*Достонда ҳар икки қаҳрамон Сұхайл ҳам, Гулдурсун ҳам
покиза ва кучли муҳаббат әгалари сифатида күринади.
Улардаги ишонч ва эътиқод самимияти, рұх покизалиги,
мардоғаворлық, келажаққа ишонч адіб томонидан ніхоятда
тағсырли, ишонарлы тарзда тасвир этилған. Достондаги
тасвирлар күпроқ қаҳрамонларнинг ички дүнёсіни ёритишга
йүнәлтирилған. Ҳатто, ўрни-ўрни билан учрайдиган табиат
манзаралари тасвири ҳам шу мақсадни кучайтириб
тақиудлаши билан харәктерлидір.*

Умуман, достон пок муҳаббат тараннумига бағишиланған.

*Хотин содиқ, ани севгил азиз эр,
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.
Унга дўст бўл, уни севгил, кунгул бер,
Унинг сўз баҳридин гавҳарларин тер.*

Достон ҳазажи мусаддаси мақсур (мафоийлун, мафоийлун, фаввлун) вазнида ёзилган.

Сайфи Саройи беназир таржимон ҳамдир. Адаб Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистан» асарини, «Гулистан бит-туркiiй» номи билан ӯзбекчалаштирган. Шу асосда у ӯзбек тилининг ички имкониятлари нақадар бойлигини яна бир марта намойиш этди.

«Гулистан бит-туркiiй» ҳикоятлари инсон маънавиятини бойитиши, турли эзгулик ва яхши ахлоқий сифатларни улуғлаб, ёмонлик ва ёлғон хулқ-авторини танқид қилиши, қоралаши билан характерли.

Дамашқдаги жомеъ ичидаги воқеа баёнида адаб эзгулик қудратини ниҳоятда гўзал ва содда тарзда ифода этади. «Зулм уруғини экиб хайр истаганлар ӯзларини жаҳаннам ўтига ёқадилар» дейилади, ҳикоя сўнггида.

Кейинги ҳикоят ҳам зулм ваadolat ҳақида. Золим кишининг «менинг ҳаққимга дуо қил» дейиши муқобилида фақир киши: «Илоҳо, бунинг жонини олгил», деб дуо қилди. Шунда золим — Ҳажжоқ ибн Юсуф: Бу қанақа дуо? — деб сўрайди. Бунга жавобан фақир: «Бу шундай хайрли дуоки, у сенга ҳам, барча мусулмонларга ҳам наф келтиради», — дейди. Демак, золим ҳукмдор ҳеч кимга наф бермайди. Ундан раият азоб кўради, холос.

Хотами Тойи ҳикоятида эса, мурувват, саҳоват олқишиланади, камтарлик, нафсини тийши улуғланади.

Саъbonи Воил ҳақида ҳикоя эса нутқ одоби мавзусига бағишиланган.

Буларнинг ҳаммаси инсон камолоти учун хизмат қиласи. Уларнинг аҳамияти ҳозиргача ҳам камайгани йўқ. Бундай нодир ёдгорликлар бизнинг жамиятимизга ҳам хизмат қиласиради».

Дарслықда савол ва топшириқлар тизимиға алоҳида эътибор берилган. Уларда ўқувчиларнинг янги билим олишлари, олган билимларини мустаҳкамлашлари, бу борада тегишли күникма ва малакалар ҳосил қилишлари кўзда тутилган. Энг муҳими, савол ва топшириқлар ўқувчиларни мустақил билим одишга, ижодий фаолият кўрсатишга рағбатлантиради. Намуна сифатида шу бўлимдаги савол ва топшириқлар билан танишиш мумкин:

- «1. Сайфи Саройи қачон ва қаерда туғилган? Унинг қандай асарлари бор?
3. Адибни «лирик шоир» дейишга қандай асослар бор?
4. Суҳайл ва Гулдурсун» достони сюжети ва композициясидаги ўзига хослик нимадан иборат?
5. Асарда ҳаёт ҳақиқати билан афсонавийликнинг мутаносиблиги қайси даражада деб ўйлайсиз?
6. Достон қаҳрамонларидаги қайси фазилатлар алоҳида тасвир этилган?
7. Үнда урушга муносабат қандай акс этган?
8. Сайфи Саройининг таржимонлик фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
9. Эмас афсона, чин ушбу битилмиш, Бу чин афсонатек ишқда этилмиш, – деб ёзади адаб. Уни қандай изоҳлаш мумкин?
10. Достон қисмларининг ўзаро боғланишига эътибор беринг. Боғловчи воситалар сифатида нималарни кўрсатиш мумкин?
11. Достонда туш эпизоди бор. У қандай композицион вазифани адo этмоқда?
12. Туши эпизоди яна сиз ўқиган қайси асарларда мавжуд? Бу асарларнинг ҳаммасида ҳам туш бир хил вазифани баъжарадими?
13. «Гунаш дунё юзиндин чоҳга ботди» мисрасининг ўз ва кўчма маъноларини изоҳланг.
14. Гулдурсуннинг тавсифи учун шоир қандай ифодалардан фойдаланади? Уларни дафтарингизга кўчириб олинг.
15. Гулдурсун билан Суҳайлнинг чоҳда кўришган пайтларидаги руҳий ҳолатлари қандай тасвирланган?
16. Асарда Гулдурсун фаол, ҳаракатчан, ташаббускор қиёфада, Суҳайли эса аксинча кўринади. Бу Суҳайл образини хирадлашибадими, йўқми? Изоҳлаб беринг.

17. Уларнинг чоҳдан қочиб чиқишлари қайси пайтга тўғри келади? Ана шу пайт қайси ифода орқали кўрсатилган?

18. Саҳрордаги ноқулай шароит қайси мисраларда кўрсатилган? Унда кўпроқ нималарга эътибор берилган?

19. Бу воқеаларга адабнинг муносабати қай йўсинда изҳор этилмоқда? Ўша мисраларни дафтарингизга кўчириб олинг.

20. «Суҳайл ва Гулдорсун» достонида севги ва садоқат тараннуни мавзусидаги иншо учун кенгайтирилган режса тузинг. Режса тузишида достон мисраларидан фойдаланишига ҳаракат қилинг.

21. Ушбу иншо учун эпиграф бўлиши мумкин бўлган мисраларни аниқланг.

“Дарслик муаллифи савол ва топшириқ тузар экан, ўкувчини зўр бериб ишлатиш учун эмас, балки унинг ўз ижодий қиёфасини намоён этишга шароит яратиб беришни кузлаши керак. Зоро, саволга жавоб берувчи жавобга олиб борувчи йўлни ўзи топиши, асар юзасидан ўйланиши, фикр юритиши ва уни асосли ифодалаб, ҳимоя қилиши муҳимдир”¹. Профессор К. Йўлдошев таъкидлаганидек: “Топшириқлардан мақсад ўкувчиларни қийнаш эмас, балки уларнинг бадиий матнни имкон қадар чукурроқ идрок этишларига шароит яратиб беришдир”².

Касб-хунар колледжларининг дарслиги “Она тили ва адабиёт” дарслиги деб номланади. Бунда адабиёт мавзуларининг ўрганилишига 80 соат ажратилган бўлиб, унда мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг етук намояндалари ҳаёти, ижодидан намуналар берилган.

Савол ва топшириқлар:

1. Мактаб адабиёт дастур ва дарсликлари ҳақида фикрингиз?

2. Адабиёт дарсликлари учун яратилган методик қўлланмаларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги роли қандай? Мисоллар асосида изоҳлаб беринг.

¹ Тўйчиева М. Адабиёт дарсликлиаридағи савол ва топшириқлар ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. 2005, 3-сон, 17-20-бетлар.

² К. Йўлдошев. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. Т.: Ўқитувчи, 1996. 62-бет

3. Академик лицейларнинг I босқичи учун яратилган адабиёт дарслигида адабий материалларниг берилиши ҳақида фикрингиз?

4. Касб-хунар коллеҗлари учун яратилган “Она тили ва адабиёт” дарслигининг адабиёт қисмини мактаб дарсликлари материаллари таҳлили асосида узвийликнинг таъминланганини аниқланг.



Дарсликнинг тузилиши, таркиби ва мазмуни

Р Е Ж А:

1. Дастур давлат ҳужжати сифатида.
2. Дастурнинг таркиби ва мазмуни.
3. Дарсликлар, уларнинг тузилиши ва мазмуни.

Курснинг мазмуни ва тузилиши давлат дастури билан белгиланади. Унда давлат таълим стандартлари асосида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим ҳажми, кўнишка ва малакаларнинг турлари, методологик ҳамда педагогик принциплари, ўқитишдаги ўзига хос методология ҳамда адабий-эстетик талаблар ихчам тарзда баён этилади.

Ўзбекистонда мактаб дастурларининг кўпгина турлари амал қиласиди, зоро изланиш янги, мукаммал тизимни ифодалайдиган даражага етиш учун ҳаракат узлуксиз давом этади.

Фақат Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ ҳолдагина адабиёт дастурининг бир неча авлоди яратилди. Таълим тизимидағи ўзгаришлар давлат таълим стандартларининг яратилиши, янги ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги янгиланишлар дастурларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

1991 йилдан бўён мактаб адабий дастурлари бир неча маро-таба такомиллаштириш сари бормоқда.

Дастур энг муҳим давлат ҳужжати бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Ўқитувчининг асосий вазифаси давлат дастури талабларини тұла ва самарали амалга оширишдан иборат. Шунга кўра ҳам ўқитувчи уни тұла билиши, унинг барча қисмлари ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотга эга бўлиши керак.

Дастур ўқитувчининг иш фаолиятидаги энг асосий манбадир. Унда амалий ҳаракатга кўрсатма ҳам, обрўли маълумотнома ҳам мужассамлашган. Ҳозиргача дастурлар умумтаълим мактабларининг барча бўғинларини (I-IX ёки V-XI синфлар) қамраб оларди. «Таълим ҳақида»ги янги Қонун таълим тизимиға бир қатор янгиликларни

олиб кирди. Үнга күра энди умумий ўрта таълим I-IX синфларни қамрайди. Бундан кейин эса ўрта маҳсус қасб-хунар таълими бошланади. Демак, дастурлар ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда бошқа-бошқа бўлади.

Умуман, дастурда адабиёт курси тұлалигича тавсифлаб борилади. Ҳар бир синфдаги адабиёт курсининг мазмуни ва иш тартиби, ҳар бир мавзунинг моҳияти муайянлаштирилади. Үнда ўзлаштирилиши лозим бўлган илмий-адабий тушунчалар асарни ўрганиш, нутқ ўстириш, синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан суҳбат учун ажратиладиган соатлар миқдори, адабиётдан ўтказилиши кўзда тутилган оғзаки ва ёзма иш турлари, предметлараро алоқа, синфдан ташқари ўқиладиган асарлар рўйҳати берилади.

Давлат дастурини бажариш асосида ўқитувчи ўқувчилардаги адабиёт ва санъатга бўлган муҳаббат, ижодкорлик, ижодий фаоллик, юксак ахлоқий-маънавий хислатларни такомиллаштириш ва ўстиришга асосий эътибор бермоғи лозим.

Академик лицейлар учун тузилган адабиёт дастурида¹ таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилган. Дастур бўйича адабиётдан 240 соат ажратилган бўлиб, учта босқичга 80 соатдан тақсимланган. Ҳозирги кунда академик лицейларнинг биринчи босқичи учун шу дастур асосида дарслик яратилди. Дарсликда мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ҳаёти ва иходи ҳақида маълумот, асарларидан парча ва шеърий асарларидан намуналар берилган.

“Она тили ва адабиёт” дастурида² асосий мавзулар адабиётга оид бўлиб, адабий-бадиий матнни лисоний-бадиий таҳлил этиш орқали ҳам тил билимларини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Шунга кўра, она тили мавзуларига 40 соат, адабиётга 80 соат ажратилган. Дарслик шу дастур асосида яратилган.

¹ Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тузувчилар: Б. Тўхлиев, Б. Саримсоқов. Тошкент, 2000.

² Ўрта маҳсус қасб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. “Она тили ва адабиёти” ўқув дастури. Тошкент, “Шарқ”, 2001, 76-90-бетлар.

Дастур ва дарсликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактаблари учун яратилган дарсликларда таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка муайян даражада эътибор берилган. Шунга қарамай умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари дастур ва дарсликларида айрим такрорийликлар учрайди. Бадиий асарларни танлаш ва саралашда ҳам шундай ҳолатлар кўзга ташланади. Академик лицейлар учун яратилган дастурда ҳам, дарсликларда ҳам узвийликка қатъий риоя қилинган. Уларнинг олий ўкув юртларида ўқиши давом эттириши учун ҳам мустаҳкам замин тайёрлаши лозимлиги эътиборга олинган. Дарсликлар фаннинг моҳиятига, ўқувчининг ёшига, унинг билим даражаси ва умумий адабий тайёргарлигига қараб тузилади. Одатда, ҳар бир дарсликнинг бош қисмидаги «Кириш», «Муқаддима», «Ўқувчиларга» деб номланадиган қисмда умумий мақсад ва вазифалар бир қадар муайянлаштирилади.

5-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуасида бу вазифани «Адабиёт нима?» деган дастлабки мақола¹ адо этган. 6-синфда у «Кириш» сарлавҳаси остида берилган². 7-синфда «Бадиий адабиёт – сўз санъати» мақолосига шу вазифа юкланган³. 8-синфнинг олдинги вариантида у «Давр, ижодкор ва адабиёт»⁴ деб берилган. 9-синфнинг эски вариантида «Кўнгилни шакллантириш воситаси (кириш)»⁵ деган номни ўқиймиз. Янги вариантда эса у «Руҳий камолот воситаси» деб номланган.

5-6-синфлардаги адабий материаллар мавзу қамровига кўра жойлаштирилган бўлса, 7-9-синфлардаги адабий

¹ Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2003. 4-9-бетлар.

² Олимов С., Аҳмедов С., Кўчқор Р. Адабиёт. 6-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2005.

³ Йўлдошев Қ., Қосимов Б. Адабиёт 7-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2004.

⁴ Каттабеков А., Йўлдошев Қ., Болтабоев Ҳ. Адабиёт. 8-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: Ўқитувчи, 2001.

⁵ Каримов Н., Мирзаев Т., Назаров Б., Норматов У., Қосимов Б. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик.

материаллар «Халқ оғзаки ижодидан», «Ўзбек дабиёти тарихидан», «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиётидан» деган руқнлар остида хронологик изчиллиқда берилган. Уларда материалларни тақрорламасликка, мантиқий изчиллик ва илмий узлуксизликка таянилган. Биргина фольклор асарларининг берилишини кузатадиган бўлсак, улар қўйидагича тавсия этилади:

Умумий ўрга таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун яратилган дарслерларда халқ оғзаки ижодига оид материалларнинг берилишига оид жадвал:

5-синф	6-синф	7-синф	8-синф	9-синф
«Ҳикмат дурданалири» руқнида «Мақоллар». Назарий маълумот: Халқ оғзаки ижоди тушунчаси. Топишмоқлар. Назарий маълумот: Мақол ва топишмоқ тушунчалари. Ривоят ва эртаклар оламида» руқнида «Тўмарис» ривояти, Назарий маълумот: Ривоят ва афсона тушунчалари. «Уч оғанини ботирлар» эртаги, «Сусамбил» эртаги. Назарий маълумот: Эртаклар ва уларнинг турлари.	«Сўзда ҳикмат бор» руқнида Халқ қўшиқири Назарий маълумот: Қўшиқ ва унинг турлари ҳақида тушунча.	«Мозийдан садолар» руқнида «Равшан» достони. Назарий маълумот: Муболага ҳақида тушунча.	«Халқ оғзаки ижоди» руқнида «Кунтуғмиш» достони. Назарий маълумот: Достонларнинг шаклий тузилши.	«Халқ оғзаки ижоди» руқнида «Алпюмиш» достони. Назарий маълумот: Халқ достонлари ва уларнинг турлари ҳақида тушунча.

7-9-синфларда материалларнинг берилишида хронологик изчиллик ҳам алоҳида эътиборда тутилган. Мумтоз адабиёт мисолида кўриб чиқиладиган бўлса, қўйидағи манзарани кўришимиз мумкин:(материаллар тақомиллаштирилган дастур асосида берилмоқда).

7-синф	8-синф	9-синф
Алишер Навоий. «Мәҳр ва Сұҳайл» ҳикояси (4 соат).	Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» асари (4 соат).	Алишер Навоий. «Ҳамса» асари (11 соат). Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиётининг энг юксак босқичи сифатида.

Н а в о и й
«Хамса»си ва
Шарқ адабиётидаги
хамсачилик.
«Ҳайрат ул-аброр» шоирнинг
олам ва одам
ҳақидаги фикрларини бадиий
акс эттирган асар сифатида.

«Са бъа и
сай-ёр» Навоий
«Хамса»сининг
таркибий қисми
сифатида. «Мехр
ва Суҳайл»нинг
сюжети ва композицион хусусиятлари.
Мехр, Суҳайл ва Жобир образларининг
таҳлили ва талқини. Қаҳрамонларни
номи ва хатти-ҳаракатлари
орасидаги боғланшилар.
Ҳикояда садоқат, мардлик,
тантлилик каби
инсоний туйғулар ифодаси.
Унинг бадиий
хусусиятлари.

Н а з а р и й
маълумот: Ташибиҳ,
таносуб ҳақида тушунча.

Турди. «Торкунгуллик беклар», «Турдиман» ғазаллари
(2 соат).

Шоир ҳаёти
ва ижоди ҳақида
қисқача маълумот.
Шоир ижоди ўз замони ва
замондошлари-

Юсуф Хос
Ҳожиб ҳаёти ва
ижоди ҳақида
қисқача маълумот.
«Қутадғу
билиг» — туркий
ёзма адабиётнинг
илк намунаси.
Асар дидактик достон
намунаси сифатида.
Унинг асосий
гоявий-бадиий хусусиятлари.
Бек қандай
бўлмоғи кераклиги
ҳақидаги бобтаҳлили.
Бекка қўйиладиган
ахлоқий-маънавий талаблар
нинг бадиий ифодаси. «Қутадғу
билиг»нинг тил хусусиятлари.
Бунда Юсуф
Хос Ҳожибининг
маҳорати.

Н а з а р и й
маълумот: Маснавий ҳақида тушунча.

Л у т ф и й .
«Сенсен севарим,
хоҳ инонма»,
«Мени шайдо
қиласурғон бу
қўнгулдири, бу
кунгул ул»,
«Аёқингга ту
шар ҳар лаҳза
гису» ғазаллари
ва туюқлари (3
соат). Шоирнинг
ҳаёти ва ижоди
ҳақида қисқача
маълумот. Лутфий
мероси ва
халқ оғзаки ижоди.
«Сенсен сева-

«Хамса» нинг яратилиши.
Шарқ адабиётидаги хамсачилик.
Низомий Ганжавий, Ҳусрав
Деҳлавий «Хамса»лари ҳақида
қисқача маълумот. Туркий тилда
«Хамса» ёзиш бадиий камолот ва ижодий жасорат на-
мунаси булганлиги.

«Ҳайрат ул-аброр» — фалсафий, таълимий-ахлоқий достон.
Унинг мавзу қамрови, курилиши ва бадиий хусусиятлари.
Машғулотлардаги изчиллик ва мантиқийлик. Асада адибнинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларининг бадиий ифодаси.
Уларнинг маърифий ва бадиий аҳамияти. «Салотин бобида» (учинчи мақолат), «Карам васфида» (бешинчи мақолат), «Вафо бобида» (саккизинчи мақолат) қисмларининг таҳлили.
Улардаги «Шоҳ Фозий», «Ҳотами Тойи», «Икки вафоли ёр» ҳақидаги ҳикоятларининг таҳлили ва талқини. Бу ҳикоятлардаги Навоий фалсафий қарашларининг ифодаланиши.
Ҳикоятларнинг бадиий хусусиятлари.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг «Хамса»да тутган ўрни. Фарҳод ва Ширин образларининг таҳлили ва талқини.
Улар юксак инсоний фазилатларнинг бадиий тажассуми сифатида.
Фарҳоддаги мардлик, жасорат, оқиллик, севгида садоқат ва вафодорлик хислатларининг акс этиши.
Ширин гузал ва оқила малика тимсоли сифатида.
Достоннинг бадиий хусусиятлари.

Назарий маълумот: Адабиётдаги комил инсон образи ҳақида тушунча.

Заҳириддин Муҳаммад
Бобур. «Менинг күнглумки,
гул гунчасидек таҳбатаҳ қондур», «Агарчи сенсизин сабр

га берган баҳо сифатида. «Тор күнгуллик беклар», «Турдиман» ғазаллари таҳлили. Уларда шоир таржимаи ҳолига оид маълумотларниң бадиий акс этиши, ғазаллар-нинг тили. Уларнинг бадиий хусусиятлари.

«Назарий маълумот: Ҳасби ҳол ҳақида тушунча.

Увайсий. «Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман» ғазали, «Анор», «Ёнғоқ», «Кун ва тун» чистонлари (2 соат).

Шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. «Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман» ғазалида ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидан норозилик, уларга нисбатан күнгилдаги изтириб ва кечинмаларининг таъсирли акс эттирилиши. Шоиранинг «Анор», «Ёнғоқ», «Кун ва тун» чистонлари ҳамда уларнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари.

Назарий маълумот: Ра-

рим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма», «Мени шайдо қиладурғон бу күнгилдур, бу күнгил», «Аёқингфа тушар ҳар лаҳза гису» ғазалларининг таҳлили. Уларнинг вазни, тасвири воситалири ва бошқа бадиий хусусиятлари.

Лутфий — тутоқ устаси. «Қўнглума ҳар ёнки боқсан доғи бор», «Мен сенинг илкингдин, эй дил, бандамен», «Чархи қажрафтор элидин ёзамен» туюқларида сўз ўйинлари. Сўз ўйинларининг юзага келишида та жнисинг ўрни. Туюқларнинг вазн, қоғия ва бошқа бадиий хусусиятлари.

Назарий маълумот: Ирсоли масал, тажнис ва туоқ ҳақида тушунча.

Алишер Навоий. Ғазал ва қитъалар. «Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил», «Қоши ёсинму дейин...», «Кеча келгумдур де-бон...», «Ёрдин

айламак, эй ёр, мушкулдор» ғазаллари. «Бобурнома» асари (7 соат).

Бобурнинг ҳаёт йўли ва ижодий меросига умумий қарашиб. Бобурнинг шеърий ижоди. Шоир лирикасининг ҳасби ҳоллик хусусияти. «Менинг кўнглумки, гул гунчасидек таҳбатаҳ қондур», «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдор» ғазалларида, «Бекайдмену ҳароби сир эмасмен», «Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди», «Кўпдин бериким ёру диёрим йўқдур» руబойларида Бобур зиддиятларга тўла ҳаётининг поэтик ифода этилганлиги.

«Бобурнома» — ўзбек адабиётидаги мемуар жанрининг нодир намунаси. Асарда тарихий давр, тарихий шахслар ва Бобур ҳаёти саҳифаларининг ҳаққоний ифодаланганлиги. «Бобурнома» қомусий асар сифатида. Унда турли-туман тарихий, этнографик, жуғрофий, адабий маълумотларнинг ифодаланганлиги. Асарда Бобур руҳий оламига оид манзараларнинг фавқулодда ҳаққоний ва таъсирли акс этганлиги. «Бобурнома»нинг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти..

Назарий маълумот: Мемуар асар ҳақида тушунча.

Бобораҳим Машраб. «Руҳи жоним аршға етти ман ўзим осмониман», «Ишқ водийсидан бир кечадан ҳай-ҳайлаб ўттум», «Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳроға сифмамдур», «Қилди манга бир жилва, ногоҳ боқа қолдим», «Ўртар» ғазаллари (4 соат).

Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. Машрабнинг ўзбек адабиёти

диф, чистон ҳақида тушунча.

З а в қ и й . «Шоҳимардон хотираси» шеъри (1 соат).

Шоирнинг ҳәсти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. «Шоҳимардон хотираси»нинг саёҳатнома жанрида яратилганлиги. Ўнда Муқимий ва Завқий саёҳатномаларидан таъсирланнишнинг излари. Шеърда она юрт тасвирининг асосий ўрин тутиши. Шеърнинг бадиий хусусиятлари.

Махтумкули. «Адолат яхши» шеъри (1 соат).

Махтумкули ҳәсти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. Махтумқулининг фақат туркмандар учун эмас, балки барча туркй халқлар учун ҳам азиз ва мұлтабар эканлиги. Шоир шеърларида маънави и - аҳлоқи мавзуларнинг устуровлиги.

«А д о л а т яхши» шеърининг таҳлили. Шеърда умуминсонийоянинг илгари

айри кўнгул...» газаллари, «Камол эт касбким, олам уйидин», «Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо» қитъалари (6 соат).

Н а в о и й газал мулкининг сultonни эканлиги. «Хазойин ул-маъний ҳақида қисқача маълумот». Навоий шеъриятининг мавзу қамрови ва бадиияти. «Кечакелгумдур...», «Қаро кўзум...», «Кўргали ҳуснунгнун...» газалларида мажозий ва илоҳий ишқ талқини. «Жонга чун дермен...» сингари газаллари таҳлили.

Н а в о и й газалларидағи тасвирларнинг фавқулоддалиги. Бунинг шоир маҳорати билан алоқадорлиги. Навоий ва ўзбек газалчилигининг кейинги тараққиети.

«Камол эт касбким», «Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо» қитъалари. Уларнинг foявий-бадиий мазмунни ва моҳияти тузишлиши, таркиби, тасвир хусу-

тариҳида тутган ўрни. Машраб — тасаввуф адабиётининг машиҳур вакили сифатида. «Руҳи жоним аршға етти ман ўзим осмониман», «Ишқ водийсидан бир кеча мен ҳай-ҳайлаб ўттум», «Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳроға сифмамдур», «Қилди манга бир жилва, ногоҳ бокса қолдим» газаллари ўзбек тасаввуфий шеъриягининг ёрқин намуналари сифатида. Шоир шеърларида тасаввуфий тимсоллар (гул — булбул, факр, фано). «Уртар» — ўзбек лирик шеъриягининг гўзал намунаси сифатида. Назарий маълумот: Тасаввуф ва тасаввуфий истилоҳлар.

Муҳаммад Ризо Оғаҳий. Газаллар (4 соат).

Оғаҳий ҳәсти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот. Оғаҳийнинг ижодий мероси. «Таъвиз ул-ошиқин» — ўзбек шеъриягининг беназир намунаси. Шоир газалларида табиат манзаралари, йил фаслларининг тасвирланиши. Бу газаллардаги ижтимоий мотивларнинг ифодаланиши. «Баланд айлаб қуёшға поя Наврӯз», «Соқия, майхоралар жисмидин олди хоб қиши», «Котикроқ келмади ҳаргиз жаҳонға ушбу қишинин қиши», «Илоҳо, ҳар кунинг Наврӯз бўлсин» газалларининг таҳлили.

Шоир газалларида муҳаббат ишқ васфи. «Юзинг очким, қуёш садқанг бўлиб бoshингдан айлансан», «Мушкин қошининг ҳайъати» газалларининг таҳлили.

Шоир асарларининг тили. Оғаҳийнинг санъаткорлиги. Назарий маълумот: Ташхис ҳақида тушунча.

Фурқат. Газаллар: «Фасли

Дарсликда бериладиган таълимий топшириқлар ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва үзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда берилиши зарур. Топшириқлар қийин бўлса, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва интилишларига ҳалал беради. Агар ҳаддан ташқари осон бўлса, ўқувчилик томонидан дарсликни ва ўқишини менсимаслик ҳолатлари пайдо бўлади. Дарслик нафақат билим ва маълумот берувчи, балки ўқувчини ўзига жалб этадиган, қизиқтирадиган ноёб китоб бўлиши шарт. Ўқувчи дарслик орқали шу предмет, шу фан оламига кириб боради. Дарсликнинг мукаммалиги, ўқувчининг дидига мослиги таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда жаҳон андозаларига ҳар жиҳатдан мос келадиган, миллий мустақиллик ғоясини ўзида акс эттирадиган мукаммал дарсликлар яратиш долзарб муаммога айланди. Шу боис “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув-адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси” талаблари асосида умумий ўрга таълим мактаблари учун янги мазмундаги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Бу борада ҳалқ таълими тизимида амалий ишлар олиб бориляпти. Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари ҳисобидан “Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида янги авлод дарсликларини танлов асосида яратиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Бу борада маълум натижаларга эришилди.

Умумий ўрга таълим мактаблари учун адабиёт дарсликларининг янги авлоди майдонга келди. 5 синф учун “Адабиёт” дарслиги У. Норматов, Н. Каримовлар муаллифлигига яратилди. 6-синф учун “Адабиёт” дарслиги (С. Аҳмедов ва бошқалар), 7-синф дарслиги (К. Йўлдошев ва бошқалар), 8-синф дарслиги (С. Олим ва бошқалар), 9-синф дарслиги (К. Йўлдошев ва бошқалар) томонидан яратилган. Бу дарсликлар ва шу дарсликлар учун ёзилган “Ўқитувчи” методик қўлланмалари ўқитувчилар учун амалий ёрдам бўла олади.

Умумтаълим мактабларининг 10-синф “Адабиёт” дарслиги Б. Қосимов, Б. Тұхлиев, К. Йўлдошевлар томонидан яратилган.

2004-2005-йылдан 11-синфларда янгиланган “Адабиёт” дастури (К. Йўлдошев) ва дарслиги (Н. Каримов) асосида янги алифбода олиб борилади.

5-синф учун дарслик-мажмуа ўқувчига мурожаат билан бошланади. У дастурга мувофиқ тарзда адабиёт ҳақидаги бошланғич умумий тушунчаларни шакллантириш учун мўлжалланган ихчам назарий лавҳа билан бошланган. Дастлаб санъат турлари ҳақида ихчамгина ахборот берилади, сўнг уларга таяниб адабиётнинг ўзига хос санъат тури эканлиги айтилади. Адабиётнинг турлари кўрсатилади.

Дарслик болаларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, адабий тайёргарлик даражаларини эътиборга олган ҳолда бир неча рукиларга бўлинган. Улар қуидагича номланади:

1. Ҳикмат дурдоналари.
2. Эртакларнинг сеҳрли олами.
3. Мумтоз адабиётга саёҳат.
4. Болаликнинг бегубор олами.
5. Ватанин севмоқ иймондандир.

Ҳар бир рукин ичида ранг-баранг жанрлардаги асарлар жамланган.

Масалан, «Ҳикмат дурдоналари» рукинида мақоллар, ибратли ҳикоятлар, Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Конфуций ҳикматлари тақдим этилган бўлса, «Эртакларнинг сеҳрли олами» рукинида «Уч оға-ини ботирлар», «Сусамбил» сингари ўзбек халқ эртаклари, Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» достони, Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асари, жаҳон адабиётидан Ханс Кристиан Андерсеннинг «Булбул» адабий эртаги киритилган..

Уларнинг барчаси ихчам назарий маълумотлар билан таъминланган. Жумладан, халқ мақоллари ҳақида болаларнинг дид ва савияларига мос келадиган аниқ, ихчам, лўнда маълумотлар тавсия этилади. Унда мақолларнинг мазмун-моҳияти, мавзу қамрови, нутқдаги иштироки туфайли ҳосил бўладиган ширадорлик тўғрисида ҳам тўхтаб ўтилган.

Дарсликда мақолларнинг ўзидан ҳам намуналар берилади. Улар Ватан ва ватанпарварлик (Булбул чаманни севар, одам — Ватани), мардлик ва жасорат (Юрг кўрсанг

— ўзарсан, кўрмасанг — тўзарсан), дўстлик (Бодом — пусти билан, одам — дўсти билан), ҳамжиҳатлик (Кенгашганга кенг дунё, талашганга тор дунё), меҳнат ва меҳнатсеварлик (Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал tottgанинг) сингари мавзуларга оидdir.

Умумий ўрга таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун мўлжалланган дарсликларда адид ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги айrim муҳим маълумотлар ҳам берилади. Масалан, 5-синф дарслигига Ҳамид Олимжон, Шукрулло, Ханс Кристиан Андерсен, Мақсуд Шайхзода ҳақида икки саҳифа, Миркарим Осим ҳақида бир ярим саҳифа ҳажмида маълумот берилади. Уларда ижодкорларнинг туғилган вақти ва жойи, ўқиш йиллари, қизиқишилари, асосий асарлари ҳақида ихчам маълумотлар жамланган.

Дарсликда мустақил ўқиш учун ҳам айrim асарлар тавсия этилган. «Ҳикмат дурданалари» рукнидаги «Дўстлик» матни, «Ватанин севмоқ иймондандир» рукнида Э. Воҳидовнинг «Ёшлигим», «Тандир кийган «Матмуса» каби асарлари тавсия этилган. Афсуски, «Эртакларнинг сехрли олами», «Мумтоз адабиётта саёҳат», «Болаликнинг беғубор олами» рукнларидағи қисмлар мустақил ўқишга бериладиган асарлар билан таъминланмай қолган. Бу дарсликнинг умумий тузилишидаги нуқсонлардан биридир.

Дарсликдаги ҳар бир мавзу тегишли савол ва топшириқлар билан таъминланган. Улар мавзунинг характеристи, материалнинг ҳажми, кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан алоқадор ҳолда тузилган. Мақоллар мавзуси учун 10 та, Саъдий Шерозий учун бта, Шукрулло учун 7 та, Андерсеннинг «Булбул»и учун 15 та савол ва топшириқлар тузилган. Демак, савол ва топшириқлар адабий материалнинг ҳажми, характеристи ва ундан кўзда тутилган мақсад билан боғлиқ ҳолда тузилади.

Уларнинг мазмуни ҳам ранг-баранг. Айrim саволлар асар ёки муаллиф ҳақидаги янги маълумотларни билишга қаратилган («Ушбу эртакдаги Шаҳзоданинг боғида қандай гуллар ўсган?») Айrim саволларда бошқа ўқув предметлари, санъат турлари билан алоқадорлик назарга олинган («Унинг эртаклари асосида яратилган қандай мультфильмларни биласиз?»).

Үқитувчи уларга ижодий тарзда ёндошиши мумкин. Тажрибали үқитувчилар матн мазмунидан келиб чиқиб, савол ва топшириқларни үzlари тузишлари мумкин. Педагогик амалиёт жараёнида бундай вазифани амалиётчи үқитувчи үқувчилар билан биргаликда амалга оширганлигининг бир неча маротаба гувоҳи бўлганмиз. Бунда үқувчиларнинг фаоллик даражаси кескин ортади. Уларнинг матн мазмунини ўзлаштиришлари учун янада қулагай шароит яратилади, энг муҳими үқитувчи ва үқувчи ҳамкорлигидаги жонли бир ҳолат майдонга келади.

Баъзи саволлар воқеларнинг изчиллиги, мантиқий-лигини («Ҳикояни үқиб, бўлим-бўлимларга ажратинг ва ҳар бир бўлимга сарлавҳа қўйинг») кузатишга унласа, яна баъзилари уларни ижодий фикрлашга даъват этади («Нима учун ёзувчи эртакка сунъий булбул образини киритган?»). Амалий-ижодий фаолиятни талаб этадиган («Эртак воқеалари асосида расм чизинг») саволлар ҳам дарсликда анчагина.

Айни бир типдаги савол ва топшириқлар бир ўринда жуда муваффақиятли бўлиб, бошқа бир ўринда ўз вазифасини тұла бажармаслиги мумкин. Адибнинг туғилган жойини аниқлашга оид саволларда бу ҳол кўпроқ учрайди. Масалан, касб-хунар колледжлари учун тузилган үқув қўлланмасида шундай савол мавжуд («Рабғузий қаерда туғилган?») Бундай саволга үқувчи ҳеч бир қийналишсиз, мустақил ва ижодий фикрлашга зарурат сезмагани ҳолда жавоб бера олади. Ҳатто у биргина сўз билан «Работи Ўғузда» деб қўя қолиши ҳам мумкин. Ваҳоланки, саволларни тузәтганда «ҳа», «йўқ», «шундай» деб жавоб берилиши мумкин бўлганларидан тийилиш кераклигини тажрибали педагогларимиз кўп таъкидлашади.

Айни мана шу саволни академик лицейларнинг биринчи босқичида Лутфийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида бериш эса бошқача самара беради. Ҳозиргача Лутфийни барча манбаларда Ҳиротда туғилган ва шу ерда вафот этган деган маълумотлари эътироф этилиб келар эди. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг «Фунун ал-балога» китобида Лутфийга «Шоший» нисбаси берилган экан. Проф. А. Ҳайитметов шу маълумотга таяниб туриб, Лутфийни

Тошкентда туғилған деб күрсатади. Ўқувчилардан шу ҳолатга оид жавоблар олинадиган бўлса, уларнинг фақат билимлари ошигина қолмасдан, айни чоғда ватанпарварлик туйғуларига ҳам ижобий таъсир ўтишига шубҳа бўлмайди.

Топшириқларда ифодали ўқиши, ролларга бўлиб ўқиши, матнни ёд олиш, матн мазмунини ҳикоя қилиши, матн мазмунини қисқартириб ҳикоя қилиши сингари кўринишлар мавжуд. Улар ўқувчиларнинг оғзаки нутқ мақаларнинг ортишига омил бўлади. Бевосита ёзма нутқ такомилига йўналтирилган топшириқлар ҳам бор.

5-синф дарслигида адабий-назарий тушунчалар элементар тарзда тақдим этилган. Адабиёт, мақоллар, эртаклар ҳақидаги маълумотлар шу сирага киради. Айрим ҳолатларда муайян адабий жанр ҳақидаги муҳтасар маълумотлар берилган. «Широқ» афсонаси ҳақида шундай маълумот мавжуд. Айни пайтда афсоналар, руబойлар, ҳикоя, қасида ҳақида ҳам алоҳида назарий маълумот берилган. Китобда характер ҳақидаги назарий маълумот ҳам бор.

5-синф учун Адабиёт дарслари янги фан ҳисобланади. Улар бу пайтгача «Ўқиши китоби» билан шуғулланиб келишган эди. 5-синфдан бошлаб улар том маънодаги адабиёт дарсларининг ичидаги яшашади. Худди шу жараённи осон ва мазмунли кечиши учун ҳам дарслик ўзига хос вазифаларни адо этади.

«Ҳар бир адабиётчи шу нарсани яхши биладики, катта ёшдаги кўпгина китобхонлар санъатни ҳис қилишда, санъат билан муносабатларда болаликдаги даражаларида қолишади, уларни фақат «ким?» ва «қандай?» деган саволлар безовта қиласи, холос, Бу саволлар ўсмирнинг китобхонлигини белгилайди – бу 10-13 ёшдаги ўқувчининг маънавий камолоти учун хосдир.

Адабиётни унинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ўрганишнинг бошланиши етук китобхонни шакллантириш учун муайян замин яратиш имконини беради. Ҳаммадан бурун бу болаликнинг ундаги «нима?» ва «нима учун?» деган саволларига жавоб бериш учун тайёргарликдир. Фақат билим заҳиралари, туйғулар маданияти, китобхонлик кўниклмалари билан бойиган, китобхонгина катта ёшдаги инсонларнинг

етук баҳо ва мулоҳазаларига тенгма-тeng яқинлашган ҳолда ҳаётий муҳим муаммоларни ечишга қобилдирлар»¹.

5-синф дарслиги билан ишлашда ўқувчиларнинг бадиий матн моҳиятини, сеҳрини, тароватини, шулар асосида эса ўзбекча сўз назокатини тушунишлари, ҳис этишлари, англаб этишлари учун дастлабки қадамлар кўйилади. Аммо ҳар бир матннинг ўзига хос тарздаги ёндошувларни тақозо этишини ҳам унутмаслик керак.

Янгиланган 11-синф “Адабиёт” дастури ва дарслиги, аввало ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишга йўналтирилган. Уларни яратишда адабиётшунослик ва методика илмининг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган. Ўрганишга берилган асарлар таҳлили орқали ёшларда нозик қалб, теран ҳиссиёт, юксак маънавиятни шакллантириш кўзда тутилган.

Дастур ва дарсликларда 11-синф мустақил ҳаёт бошлаш ёки олий таълим олиш арафасидаги босқич эканлиги ҳамда бу босқичда касбга йўналтириш ишларининг қатъий тусга кириши ҳисобга олинган. Шунингдек, ўрганиш учун тавсия этилган асарларнинг тўлиқ таҳлили фақат ўқувчилар фаол иштирок этган тақдирдагина амалга ошиши мумкинлиги, таълим тизимининг ҳар қандай бўғинида билим ҳам, ўқитувчи ҳам, муассаса ҳам эмас, балки бош қадрият ўқувчи эканлиги назарда тутилган.

Дастур ва дарсликларда ўрганилиши кўзда тутилган асарлар бадиий қиммати, тарбиявий аҳамияти ҳамда ўқувчиларнинг ёши, руҳий имкониятлари, ақлий ривожланиш даражаларига мослигига кўра танланган, асар таҳлилида бир хил фикрлаш ва бир қолипдаги мулоҳазалар юритишдан воз кечилган.

Дарсликлар билан биргаликда ўқитувчи учун методик қўлланма яратилмоқда. Методик қўлланмада ҳар бир дарснинг ўқитиш методикаси, дарслиқдаги мавзуларга қўшимча маълумотлар, машгулотлар, топшириқлар ўрин олайти, бу эса ўқитувчига ҳар бир дарсни мазмунли қилиб ўтишига имкон туғдиради.

¹ Курдуомова Т. Ф., Каровина В. Я., Альбеткова Р. И. и др. Методическое руководство к учебнику-хрестоматии «Родная литература» для 5 класса. – М.: Просвещение, 1985. С. 5-6.

Савол ва топшириқлар:

1. 5-9-синфлар учун яратилган дарсликлар билан яқиндан танишинг. Уларнинг дастур билан уйғунык даражасига баҳо беринг.

2. 6-синф дарслигидаги алоҳида ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодлари қандай ёритилганлигига эътибор беринг. Улардаги материалларни мантиқий қисмларга ажратинг. Ҳамма ижодкорлар учун умумий бўлган ўринларни, алоҳида ижодкорлар учунгина қўлланган усулларни ажратинг.

3. Бадиий матннинг тақдим этилиш шаклига эътибор беринг. 7-синф мисолида матнларга бериладиган луғат ва изоҳлар тизимини ўрганиб чиқинг.

4. 8-синф дарслигидан назарий материалларнинг берилишини кузатинг. Уларнинг ўқувчилар ёшига ҳамда адабий тайёргарлигига мутаносиблиги ҳақидаги ўз фикрингизни асосланг.

5. Ҳар бир синф дарслигидаги савол ва топшириқлар тизимини ўрганиб чиқинг. Уларда ўқувчини бевосита ижодий ишларга ундаидиганларининг салмоғини аниқланг. Бундай топшириқларни кўпайтириш учун нималар қилиниши мумкинлиги ҳақида ўз фикрингизни билдириng.

6. Дарсликларда муаллифларнинг тили қайси даражада акс этган. Уларнинг ҳар бир синф ўқувчилари учун муносиблик даражасига баҳо беринг.



Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари дарсликларининг хусусиятлари

Р Е Ж А:

1. Академик лицейлардаги адабиёт дарсликлари.
2. Касб-хунар колледжларидаги адабиёт дарсликлари.
3. Дарсликлардаги иллюстратив материаллар ҳақида.

Академик лицейларнинг биринчи босқичи учун “Адабиёт” дарслиги пофессор Б. Тұхлиев томонидан яратылған. Бу дарсликта таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилған. Дарсликта қадимги адабий ёдгорликлар, Фирдавсий (“Шоҳнома” асари), Юсуф Хос Ҳожиб (“Кутадғу билиг” асари), Аҳмад Юғнакий (“Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари), Яссавий ва унинг ҳикматлари, шунингдек, Рабғузий, Паҳлавон Маҳмуд, Сайфи Саройи, Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадойи, Лутфий каби мұмтоз адабиётимиз намояндадарининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан парча ва уларнинг ўқувчилар учун мүлжалланған адабий таҳлили берилған.

Дарсликни яратышда қатор вазифалар амалга оширилған:

- мұмтоз адабиётимизнинг эң сара намуналари билан танишиш;
- бадий асарни ўқиб, уни идрок этишга бўлган қизиқишлиарни шакллантириш ва ўстириш;
- бадий асарларнинг матндарига ўзига хосликларини ҳис этиш кўнишка ва малакаларини шакллантириш;
- ёш ва йўналиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бадий асарни дастлабки таҳлил қилишни ўрганиш;
- бадий матн билан танишув, шунингдек, таҳлил асосида оғзаки ва ёзма нутқ малакаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш в.б.

Бу вазифаларнинг барчаси академик лицейларнинг биринчи босқичи учун яратылған дарсликдаги тегишли қисмларда ўз аксини топған. Афсуски, ҳалигача академик лицейларнинг иккинчи ва учинчи босқичлари учун дарсликлар яратылмасдан турибди.

Касб-хунар колледжлари учун яратилган “Она тили ва адабиёт” дарсслигининг “Адабиёт” қисмида “Халқ оғзаки ижоди – бебаҳо бойлик”, “Қадимги адабий ёдгорликлар – маънавият дурданалари”, “Шарқона одоб – инсон зийнати”, “Ҳадис илмидан сабоқлар”, “Мумтоз адабиёт чашмалари”, “Жаҳон адабиёти хазинасидан”, “XX аср адабиёти намуналари”, “Жаҳон адабиёти дурданалари” каби руқилярга бўлинган ҳолда адабиёт намуналари ўз ифодасини топган.

Эндиликда академик лицейлар учун мажмуя нашрдан чиқди. У ҳар бир босқич учун алоҳида-алоҳида китоблар сифатида чоп этилган. Мажмууда қисқагина илмий-маърифий маълумотлар берилган бўлиб, улар муайян адабий ёдгорлик ёки алоҳида олинган бир ижодкор ҳақида ихчам маълумотларни мужассамлаштиради. Масалан, Мунис ҳақида шундай ўқиймиз:

Munis Xorazmiy
(1778-1829)

Shermuhammad Amir Avazmuhammad o'g'li Munis Xorazmiy Xiva yaqinidagi Qiyot qishlog'ida dunyoga kelgan. U madaniyatimiz tarixida shoir, tarixchi, tarjimon, xattot va ma'rifatparvar shaxs sifatida nom qoldirgan.

Xiva xoni uni saroyga farmonnavis kotib qilib tayinlaydi. Munisning butun ongli faoliyati davomida ilm-fan, madaniyat va san'at kishilariga homiylik qiladi.

U go'zal lirik she'rlar yozish bilan birga tarjima ishlariga (Mirxondning «Ravzat us-safo» (*«Soflik bog'i»*)) ham alohida e'tibor beradi, tarixiy asarlar (*«Firdavs ul-iqbol»*) yozishga kirishadi.

Xorazmnинг sug'orilish tarixiga oid «Arnalar» (*«Anhorlar»*) degan risola bitadi. Savod chiqarish va husnixatga oid «Savodi ta'lif» she'riy risolasini yozgan.

Munisning shoir sifatidagi iqtidorini uning «Munis ulushshoq» devoni to'la ko'rsata oladi. Devonda g'azal, muxammas, qasida, ruboiy, qit'a singari janrlarning go'zal namunalari jamlangan.

Bu asarlar hozirgacha ham xalqimizning madaniy-adabiy mulki sifatida ardoqlab kelinadi.

Ёки 3-китобга шундай муқаддима ёзилган:

«Азиз Ўқувчилар!

Ўзбек халқининг нақадар бой адабий меросга эга эканлигини кўп ҳис этгансиз. Адабиётни даврлаштириб ўрганишининг ҳам нечоғлик шартли ва нисбий эканлигини, ҳатто муайян бир асрда битилган энг яхши бадиий намуналарни саралаб, ягона мукаммал китоб қилиб бўлмаслигини ҳам яхши биласиз.

Сизга ҳавола қилинаётган мажмуя XX аср бошларидан ҳозирги истиқлол ийларигача бўлган ўзбек сўз саъатининг қатор намояндалари ижодлари намуналаридан тузилган. Мажмуанинг мақсади яқин кечмишдаги ва бугунги адабиёттимииздаги ютуқлар билан имкон қадар танишувимизга, ўзимизда доимий, изчил мутолаа қўниумасини тарбиялашга, халқнинг илғор тафаккур тарзини, туйғуларининг бегуборлик, жозибадорлик даражасини идрок-мушоҳада этмоғимизга қаратишган.

Маънавий етуклик ва дунёқараши комиллигининг муҳим бир омили, шубҳасиз, баркамол, бетакрор адабий ижод асарларидир. Улар яшаининг маъно-моҳқяти, эзгулик ва адолатнинг афзаликлари, илму матрифат, меҳр-муҳаббатдан маърифий сабоқлар беригина қолмай, маълум даврлардаги халимиз ҳаётининг ўзига хос тарихий манзаралари ифодаси орқали ибратли гояларга ҳам бизни ҳамнафас этади.

Мажмуя қамровидаги даврда Беҳбудий, Қодирий, Ҳамза, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ўнлаб беназир истеъодод эгалари ижодлари бор. Адилларнинг ҳар бирига қисқа, умумлашган таърифлар берилиб, кенг китобхонлар оммасига манзур асарларидан намуналар келтирилди. Тамойилари, салоҳият кўлами янада ронг-баранг бўлгани, бизга айнан замондошлиги туфайли китобхонликка муҳаббатни уйғотгувчи бирламчи восита экани боис ҳозирги замон ўзбек насли ва шеъриятининг намуналарга ўзга адабиёт мажмуаларидан фарқли равишда кенгроқ ўрин ажратилди.

Мажмуя дастур асосидаги адабиёт дарслари мобайнида адабий намуналарнинг бевосита ўзи билан танишувга кўмаклашади, ўрганилаётган ёки кузатилаётган даврга минсуб ижодларнинг бошқа асарларини ҳам мустақил топиб, тўлиқ, чуқур мутолаа қилишига чорлайди».

Ушбу мажмуаларда бир қатор иллюстратив материаллар ҳам берилган. Улар энг қадимги даврлардан бошлаб замонавий адабиётгача тегишилидир.

Олий таълимдаги адабиёт дарсликлари. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари

P E Ж A:

1. Олий таълимдаги адабиёт дарсликлари, уларга кўйиладиган талаблар.
2. Алоҳида предметлар бўйича дарсликларнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Олий таълимдаги адабиёт дарсликларининг янги авлоди ҳақида.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорини бажариш бўйича Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги томонидан истеъмолдаги ўкув адабиётлари жиддий қўрикдан ўтказилди ва эскирган адабиётлар истеъмолдан чиқарилди. Уларнинг ўрнига замон талабларига жавоб берадиган ўкув адабиётларини яратиш долзарб масала бўлиб қолди. Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 1X сессиясида сўзлаган нутқида “Ҳаммамизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз, деярли ҳамма соҳада дарсликларимиз ахволи бугунги ва эрганги кун талаблари даражасида эмас, эски қолипда мустабид даврида ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор,” деб таъкидлаган эдилар.

Аксарият олий таълим муассасалари бир қатор фанлар бўйича сифатли маъруза матни, ўкув қўлланма ва дарсликлар яратдилар.

Олий таълим ўзбек тили ва адабиёти факультетининг талabalari учун ихтисосликка алоқадор фанлар чукур ўрганилади. Булар: “Болалар адабиёти”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Миллий

үйғониш даври адабиёти”, “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабиёт ўқитиши методикаси” в. б.

“Болалар адабиёти” дарслигига асосан, болалар ёзувчи ва шоирлари ҳақида маълумот, ижодидан намуналар берилган. Унинг шаклланиши, ривожланиш босқичлари, ривожланишидаги асосий принциплар кўрсатиб берилган.

Адабиёт ўқитиши методикаси фани таълим турларига мувофиқ равищда ушбу фаннинг ўқитилишидаги ўзига хосликларини кўрсатиб беради, ўкувчиларнинг билими ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда адабиёт фанининг ўқиш жараёнига сингдирилиш қонуниятларини кўрсатиб беради.

Адабиётшунослик ва адабиёт ўқитиши методикаси фанлари бир-бирларига яқин ва боғлиқ бўлишига қарамай, улар орасида кескин фарқлар мавжуд. Адабиётшунослик бадиий адабиёт ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фандир. Адабиётшуносликнинг обьекти — тарихий шароит билан алоқада олинган адабий маҳсулот ва уни яратиш процессидир.

Проф. А. Зунунов ёзганидай: «Адабиёт ўқитиши усули педагогика фанининг узвий қисми бўлиб, бадиий адабиётни тадқиқ этади, адабиёт ўқитиши шартларини ва усулларини илмий асосда ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, синфда ва уйда ўқиш, шунингдек, синф ва мактабдан ташқари машгулотларнинг шакли, усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Унинг асосини бадиий асарни таълим ва тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ўрганиш ўкувчиларни эстетик тарбиялаш жараёнини ташкил қиласи».

Таълим тизимишаги жиддий ислоҳатлар адабий таълимда ҳам тегишли тарздаги ифодасини топиб келмоқда. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганидан кейин таълимнинг мазмуни ҳақида ҳам жиддий бош қотиришга тўғри келди. Бу жараён узлуксиз равищда давом этиб келяпти. Олий таълимнинг бакалавриат босқичида факат «Таълим» йўналишининг ўзида «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси» тайёрлаш учун ўттизга яқин ўкув предметларининг ўрганилиши кўзда тутилган.

Уларнинг тенг ярми адабий таълим билан боғлиқ. Ҳозиргача мазкур предметларнинг талай қисми дарслклар билан таъминлангани йўқ.

Олий таълимдаги адабиёт дарслкларининг яратилиши учун ўзига хос талаблар мавжуд. Агар таълимнинг қуий босқичлари учун маълумотларнинг ихчамлаштирилган, содда баёнлари кифоя қилса, бу ерда масаланинг тарихидан бошлаб ҳозирги ҳолатигача курсатилиши, ҳар бир ижодкор ва унинг асари ҳақидаги маълумотларнинг имкони борича тўлиқ ва мукаммал бўлиши талаб этилади.

“Дарслк деб аталадиган дидактик ашёда яна бир мезон – муайян тартиб ва изчиликка қатъий риоя этиш талаб қилинади. Ундаги ҳукму хulosалар баҳс-мунозара босқичидан ўтиб, меъёрийлик хусусиятини касб этган илмий ҳақиқатлар мақомида бўлади. Шунинг учун ҳам дарслк муаллифлари фақат ўз кўнгил истаклари ёхуд истеъод майларинигина ифодалаш билан чеклана олмайди. Ҳар бир дарслк ўзининг аниқ қиёфаси, ифода услубига эга бўлиши, муайян педагогик асослардан келиб чиқадиган мунтазамликка бўйсуниши жоиз. Шунинг учун ҳам дарслкнинг барча мучалари, таркиби бир тартибда, ифода тарзи эса бир маромда бўлиши лозим. Шунингдек, дарслк миқёсида адилларга ёндашув, улар ижодини текширувнинг ягона тамойили ишлаб чиқилиши ва шунга қатъий амал қилиниши мақсадга мувофиқ”¹.

Олий таълимдаги адабиёт дарслклари тўлигича илмий принципларига таянади. Шунга кура унда предметлараро алоқа ҳам, таҳлилларнинг теранлиги ҳам бўртиб турадиган бўлиши шарт. Таҳлил қилувчининг кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлиши мана шу талаблар замиридан келиб чиқади. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари учун яратиладиган дарслкларда асл манбаларга мурожаат ҳар доим ҳам талаб қилинавермагани ҳолда олий мактаб дарслкларида бу талаб етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

“Умуман олганда, олий мактаб адабиёт дарслиги қандай мезонларга жавоб бермоғи лозим? Биринчи навбатда,

¹ Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. Тошкент, 2006. 56-57-бетлар.

бундай дарсликка киритилиб, ўрганиш учун тақдим этилаётган асарларнинг бадиият нуқтаи назаридан истисносиз тарзда мумтоз бўлиши қатъий талаб қилинади. Дарсликка киритилган асар ёки адаб муайян даражада вақт синовидан ўтган ва соҳа мутахассисларининг эътирофини қозонган бўлиши лозим. Чунки муайян мислатнинг бадиий-эстетик тафаккури дарсликлар ёрдамида шакллантирилади ва шуларга мувофиқ бўлади. Шундай экан бу дарсликларга киритилган асарларнинг юксак бадииятга эгалиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат мақомида бўлиши лозим”¹.

Албатта, муқояса мақсадлари билан, хусусан, бўлажак ўқитувчиларнинг бу соҳадаги танқидий қараашларини кучайтириш мақсадида айрим бадиий жиҳатдан бўшроқ асарларни ҳам амалий қўнирма ва малакаларни шакллантириш ва кучайтириш учун таҳлилга жалб этиш мумкин.

Фактларни танлаш ва таҳлил қилишда ҳам олий таълимдаги адабиёт дарсликларининг ўзига хос талаблар тизими мавжуд.

Биз айрим намуналарга таянган ҳолда мулоҳазаларимизни баён этамиз. Бунинг учун бизга «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги қўл келади. У университетларнинг ва педагогика институтларининг бакалавр ихтисосини олувчилар учун дарслик сифатида чоп этилган. Муаллифлари таниқли адабиётшунос олимлар Н. Каримов, С. Мамажонов, Б. Назаров, У. Норматов, О. Шарафиддиновлардир. Муаллифлар қанчалик йирик ва таниқли олим бўлишмасин, барибир, ифода жараёнида бошқаларнинг, воқеалар иштирокчилари, гувоҳлари, йирик давлат ва жамоат арбобари, адилларнинг фикрларига суюнишади, улардан далил сифатида фойдаланишади. Жадидчилик ҳаракати ҳақида гапириб туриб, таниқли адабиётшунос Н. Каримов шундай дейди:

«Кейинчалик жадидлар жамият ҳаётига янги foяларни олиб кира бошлаганларида, мутаассиб кишиларнинг қаттиқ қаршилигига учрадилар ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан аксар жадидлар кофир деб эълон

¹ Уша асар. 56-бет.

қилинди»¹. Шундан кейин муаллиф далил сифатида ўша даврнинг йирик сиймоларидан бири Мунавварқорини қуидаги тарзда шаҳодат беришга чақиради:

«Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Мунавварқори шу ҳақда 1927 йили бўлиб ўтган қурултойда бундай деган:

«Ҳозирги пайтда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар Москов ва бошқа жойларга бориб ўқишни ҳавас қилса, авваллари ҳар бир саводи чиққан Бухорога бориб ўқишни ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар билимни фақат дингина деб билар эдилар. Муҳит ҳам шуни тақазо қиласр эди.

Жадид мактаби ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қироатхоналарни етиштирған кишилар эди»².

Бошқа бир мисолни кўрайлик. Сайд Аҳмад ҳақидағи қисмга аввал ихчамгина режа берилади, яъни «Сайд Аҳмад — ҳажвий ҳикоя ва миниатюралар устаси. «Келинлар қўзғолони» комедияси. Адид қиссалари. Лирик услуб. «Хукм» ва Ҳоким мафкура. «Уфқ» трилогияси. Халқ образи ва тарихийлик. Бадиий тил». Сўнг бу бандларнинг ҳар бири илмий теранлик, мантиқий изчиллик билан ёритиб берилади. Бошқа бир мисол. Абдурауф Фитрат ҳақидағи мақола ҳам юқоридағидек ихчам режа билан таъминланган. Сўнг унинг адабиётимиз ва фанимиз тарихидаги тутган ўрни асослаб берилади. Муаллиф (Б. Назаров) бу давр мушкилликларини шундай ифодалайди: «Бироқ шўро сиёсати ва коммунистик фирмә мафкураси буюк миллат-парвар адид дунёқарashi ва асарларини баҳолашга астасекин ўзининг омонсиз тазиқини ўтказа бошлади»³. Фикрини далиллаш учун эса Фитратнинг бир қатор замондошлари томонидан амалга оширилган ҳатти-ҳаракатларнинг тәвсифи келтирилади. Жумладан, Ж. Бойбўлатовнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928)даги

¹ Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Университетларнинг ва педагогика институтларининг бакалавр ихтисосини олувчилар учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1999. 14-бет.

² Ўша ерда.

³ Ўша китоб, 113-бет.

«исломнинг адабиётдаги тарғиботчиси» деган даъволари акс эттирилади. Шундай қилиб олим ўз фикрига илмий далил келтиради.

Энди бошқа бир дарсликни худди шу жиҳатдан кўриб чиқайлик. У «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти»¹ деб номланади. Уни Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долимов, Ш. Ризаев, С. Аҳмедов сингари олимлар ҳамкорликда яратишган. Унда асл манбаларга, илмий ишларга, кўшимча факт ва шахсларга ҳаволалар янада кўпроқ.

Олий таълим дарслигининг яна бир ўзига хос хусусияти таҳлилларнинг илмий жиҳатдан кенг ва теранлигида намоён бўлади. Умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар таълими учун мўлжалланган таҳлиллар ўкув таҳлиллариdir. Улар ўқувчи учун ёзилган, уларда ҳаммабоплик асосий ўрин тутади. Олий таълимдаги адабиёт дарсликлари эса бўлажак мутахассис учун ёзилган. Шунга кўра бу ерда материалларни саралашдан тортиб таҳлил қилишгacha нисбатан эркинлик бўлади. Албатта, бу ерда ҳажм ва мавзу қамровига кўра муайян чегараларнинг бўлиши табиийdir. Муқояса учун айрим далилларни келтирайлик. Куйидаги жадвалда таълимнинг турли босқичларида алоҳида ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун ажратилган саҳифалар сони кўрсатилган. Биз атайлаб айни дарсликдаги ҳар хил муаллифлар ёзган қисмлардан танлаб олдик. Бунда бевосита бадиий матннинг ўзи назарга олинган эмас. Дроб белгисидан кейин келтирилган рақам С. Мирзаевнинг «XX аср ўзбек адабиёти»² китобига тегишли. Бу китоб баклавриат босқичи учун дарслик сифатида чоп этилган. Шу бўлимдаги охирги рақамлар «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигига тегишли.

¹ Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври язбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004.

² Mirzayev S. XX asr o'zbek adabiyoti. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi tomonidan (10.01.02 – hozirgi milliy adabiyot (o'zbek adabiyoti) bakalavriat ta'lif yo'nalishi talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. T.: "Yangi asr avlod", 2005.

№	Үрганилаётган ижодкор	Умумий ўрта таълим мактабида	АЛларниң охирги босқичида	КХК да	Олий таълимда
1	Абдурауф Фиграт	5-синфда — 2 8-синфда — 6	2	-	45 / 16 / 34
2	Чўлпон	7-синфда — 5	4	-	30 / 18 / 33
3	Абдулла Қодирий	5-синфда — 1,5 7-синфда — 3 9-синфда — 9	3	3	31 / 23 / 24
4	Ғафур Ғулом	5-синфда — 1 6-синфда — 8-синфда — 2	2	-	17 / 33
5	Ойбек	5-синфда — 2,5 8-синфда — 2 9-синфда — 7	2	-	28 / 22
6	Чўлпон	7-синфда — 5	4	-	30 / 18 / 33

Жадвалдан кўриниб турибдики, олий ўкув юртларидағи дарслерлар ҳажмининг катталиги тасодифий эмас. У ерда муайян адабий ҳодиса, алоҳида олинган ижодкор, таҳлил этилаётган асардаги энг муҳим қирраларнинг барчаси қамраб олинади.

Бевосита адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ҳам айрим қўлланмаларнинг юзага келаётганлигини таъкидлаш керак. Улардан бири Б. Тухлиевнинг «Адабиёт ўқитиш методикаси» китобидир. Олий таълим учун мустақиллик даврида у методика соҳасидаги биринчи ўкув қўлланмасидир. Унинг асосий фазилати янги давлат таълим стандарти ва дастурлари билан мослигиdir.

Унинг мундарижаси қўйидагилардан иборат:

Кириш; Адабиёт ўқитиш методикасининг тарихий тараққиёти; Таълим босқичларида адабиёт курсининг мазмуни ва қурилиши. Адабиёт дастури, дарслер ва ўкув қўлланмалари; Бадиий асарни таҳлил қилиш;

Адабий асарни жанрий хусусиятларига кўра ўрганиши. Эпик асарларни ўрганиши хусусиятлари; Лирик асарларни ўрганиши; Муаммоли таълим ҳақида маълумот; Драматик

асарларни ўрганиш; Бадиий асар тилини ўрганиш; Ѓазувчи таржимаи ҳолини ўрганиш усуллари; Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш; Адабиёт ўқитувчиси; Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ошириш йўллари; Адабиёт дарсларида кўргазмалилик.

Савол ва топшириқлар:

- 1. Олий ўқув юрти адабиёт дарсликларига қўйиладиган талаблар.*
- 2. Олий ўқув юрти адабиёт дарсликлари ҳақида фикрингиз?*
- 3. Олий таълим адабиёт дарсликлари ҳақида фикрингиз.*



Таълимнинг турли босқичларидаги адабиёт дарслерлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик. Бундаги ўзига хосликлар

Р Е Ж А:

1. Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги.
2. Мактаб дарслерларидаги узвийлик.
3. Таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, Ўзбекистон республикаси Олий мажлисининг 1X сесиясида Президентимиз Ислом Каримов таълимтарбиянинг узлуксизлик масаласига ҳам тўхталиб шундай деган эдилар: “Барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас”.

Юртбошимиз И. Каримовнинг ташабbusлари ва бевосита раҳбарликлари остида яратилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимга асос солинди. Миллий дастур асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта маҳсус касб-хунар таълими турларининг ҳар бири учун Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари, уларга мос равишда ўқув дастурлари яратилиб, таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ҳар бир таълим тури учун таълим мазмунини танлашда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги алоҳида эътибор берилган.

Таълимнинг узлуксизлиги деганда нимани тушунамиз, узвийлик деганда нимани кўзда тутамиз.

Узлуксизлик — бу матабгача таълим билан бошланғич таълим, бошланғич таълим билан умумий ўрта таълим, умумий ўрта таълим билан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими орасидаги таълим мазмунида бузилиш бўлмаслиги, яъни кейинги таълим тури мазмуни олдингисини узлуксиз давом эттирилиши тушунилади.

Таълимда **узвийлик** деганда икки хил маънода қўлланилади. Биринчидан, таълим турлари ўртасидаги

узвийлик. Бунда таълимнинг кейинги тури мазмуни аввалгисини фақат давом эттириши, қисман такрорлаб, мазмун жиҳатидан узвий боғланган ҳолда кейинги таълим турларида давом эттириши керак.

Иккинчидан, ўкув фанлари орасида узвийлик. Буни фанлараро ёки предметлараро боғланиш дейилади.

Узвийлик масаласи илгари ҳам, ҳозирда ҳам ўқиш, ўрганишнинг асосий шарти эканлиги сир эмас. Таълимнинг узвийлиги умумдида тик ташнифидан саналгани учун ҳар қайси фан, предметни ўқитишида уни четлаб ўтиш мумкин эмас. Адабий таълимда узвийлик мавзуларни режалаштиришда, синфларга тақсимлашда, кетма-кетликни таъминлашда, яққол қўзга ташланади. “Адабиёт” дарслекларини таҳлил қилиб чиқар эканмиз, синфларнинг ўсишига қараб, мавзуларнинг ҳам мураккаблашиб боришини кузатамиз. Масалан, Навоийнинг 5-синфда “Ҳайрат ул-аброр” асаридан парча “Шер билан Дурроҷ” ўрганилса, 10-синфга келиб Навоий ижоди монографик тарзда ўрганилади. Унда шоирнинг кенг ҳажмдаги лирик мероси ва “Ҳамса” асари ўрганилади. Худди шунингдек, 5-синфда Ойбекнинг “Гулнор опа” ҳикояси берилган бўлса, 11-синфга келиб, унинг лирикасидан “Машраб”, “Тоғ сайри” шеърлари, “Кутлуғ қон” романи ўрганилади.

5-9-синфларнинг давоми сифатида академик лицей ёки касб-хунар колледжларининг дарслекларини кузатиб, таълим босқичлариаро узвийлик таъминланганини ҳис қилиш мумкин.

Буни биргина Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мисолида қўйидаги тасаввур қилишимиз мумкин:

синф	асар	Қисқача мазмуни	соат
5	Алишер Навоий. «Шер билан Дурроҷ» масали («Ҳайрат ул-аброр» достонидан	Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. «Шер билан Дурроҷ» инсон маънавияти ҳақида баҳс юритувчи мажозий асар сифатида. Ундаги Шер ва Дурроҷ образларининг таъсифи. Шер ва Дурроҷ мисолида асарда фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббат, ўзаро садоқат, ёлғончилик сингари хусусиятларнинг тасвирланиши. Уларга муносабатларининг ифодаланиши. Ушбу масалнинг маърифий, тарбиявий, бадиий-эстетик аҳамияти. Масалнинг бадиий хусусиятлари.	5

6	Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар.	Навоий ҳикматли сўзларининг мазмун-моҳияти, умброкийлиги. «Махбуб ул-кулуб» - ҳәётй ҳикматлар мажмуаси сифатида. «Саҳоват ва ҳиммат бобида», «Хилм зикрида», «Сафар манофии зикрида» қисмларидағи илм ва ҳунар, яшилилк, инсонийлик, росттүйлилк ва ёлғончили, сабр ва қанаот, меҳр, вафо, инсонийлик ҳақидағи ҳикматларнинг ўзига хосликлари. Уларнинг ҳалқ маколларига яқинлиги, улардан фарқи. Бу ҳикматларнинг матьнавий-алоқий, таълимий, тарбиявий ва бадиий аҳамияти. Ҳикматларда ҳәётй ҳодисаларнинг қисқа, ихчам, лўнда ва таъсирчан ифодаланганни. Ҳикматларнинг курилиши. Улардаги бадиий тасвир воситалари. Назарий маълумот: Ҳикматли сўзлар ҳақида тушунча.	3
7	Алишер Навоий. «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояси.	Навоий «Ҳамса»си ва Шарқ адабиётида ҳамсачилик. «Ҳайрат ул-аброр» шоирнинг олам ва одам ҳақидағи фикрларини бадиий акс эттирган асар сифатида. «Сабъа сайёр» Навоий «Ҳамса»сининг таркибий қисми сифатида. «Меҳр ва Суҳайл»нинг сюжети ва композицион ҳусусиятлари. Меҳр, Суҳайл ва Жобир образларининг таҳдили ва талқини. Қадрмонларнинг номи ва ҳатти-ҳаракатлари орасидаги боғланишлар. Ҳикояда садоқат, мардлик, тағтилилк каби инсоний туйғулар ифодаси. Унинг бадиий ҳусусиятлари. Назарий маълумот: Ташбех, таносуб ҳақида тушунча.	4
8	Алишер Навоий. ғазал ва қитъалар. (6 соат).	<p>Навоий ғазал мулкининг султони эканлиги. «Ҳазойин ул – маоний ҳақида қисқача маълумот». Навоий шеъриятининг мавзу қамрови ва бадиияти. «Кеча келгумдур...», «Қаро кўзум...», «Қўргали ҳуснунгну...» ғазалларида мажозий ва илоҳий ишқ талқини. «Жонга чун дермен...» сингари ғазаллари таҳдили.</p> <p>Навоий ғазалларидаги тасвиirlарнинг фавқулоддалиги. Бунинг шоир маҳорати билан алоқадорлиги. Навоий ва ўзбек ғазалчилигининг кейинги тараққиёти.</p> <p>«Камол эт қасбким, олам уйидин», «Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо» қитъалари. Уларнинг ғоявий-бадиий мазмунни ва моҳияти. Қитъаларнинг тузилиши, таркиби, тасвир ҳусусиятлари. Назарий маълумот: Қитъа ҳақида маълумот.</p>	6
9	Алишер Навоий. «Ҳамса» асари	<p>«Ҳамса»нинг яратилиши. Шарқ адабиётида ҳамсачилик. Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий «Ҳамса»лари ҳақида маълумот.</p> <p>«Ҳамса»нинг яратилиши. Шарқ адабиётида</p>	10

<p>Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиёти-нинг энг юксак босқичи сифатида.</p>	<p>хамсачилик. Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий «Хамса» лари ҳақида маълумот. Хамсачилик – маҳорат майдони сифатида. Туркий тида «Хамса» ёзиш бадиий камолот ва ижодий жасорат намунаси бўлганлиги. «Хамса»нинг қурилиши.</p> <p>«Ҳайрат ул-аброр» – фалсафий, таълимий-ахлоқий достон. Дунёни тасаввуғий идрок этиш. «Хамса»даги бошқа достонлар. «Фарҳод ва Ширин» достонининг «Хамса»да тутган ўрни. Достоннинг бадиий хусусиятлари. Фарҳод шоир идеалининг тажассуми сифатида. Комиллик йўлига кирган инсон манзиллари тасвири. Ширин образи. Унда аёлларга хос энг юксак маънавий фазилатлар талқини. Достондаги бошқа образлар. Достонда яхшилик ва ёмонлик, разолат ва адолат, бутунлик ва ноқислик ўргасидаги зиддиятнинг жонли шахслар тимсолларида кўрсатилиши.</p> <p>«Сабъаи сайёр» – ишқий-саргузашт достони. Достонда тарихий воқеаликнинг рамзий акс этиши. Унда шоҳ ва шахс муаммосининг бадиий талқини.</p> <p>Назарий маълумот: Адабиётдаги комил инсон образи ҳақида тушунча.</p>
--	--

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш мисолида умумий ўрта таълим маактабларида узвийлик ва узлуксизлик муаммоларининг ечими учун яхши йўл изланган. Бунда адаб асарларини синфлар кесимида ўрганишда уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шу билан биргаликда, ҳар хил такрорларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилган.

Академик лицейлар учун яратилган “Адабиёт” дарслигида умумтаълим мактабларида ўрганилган адилар ижоди тўлдириб борилганини, янги ўтилаётган адилар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг бадиий юксак асарларининг танланиши кишини кувонтиради.

Савол ва топшириқлар:

1. Узвийликни мисоллар аосида изоҳлаб тушунтириңг.
2. Таълимнинг узлуксизлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Ўқув фанлариаро узвийлик нима?
4. Адабиёт дарсликларида таълим босқичлариаро узвийликка эътибор беринг. Узвийлик йўқ бўлган ўринларни мисоллар аосида кўрсатинг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар. Уларнинг ўзаро муносабати

Р Е Ж А:

1. Дарслик ва ўқув қўлланмалари муносабати.
2. Таълим жараёнида ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш имкониятлари.
3. Ўқув қўлланмалари ҳақида маълумот.

Мухтарам Президентимиз И. А. Каримов айтганлариdek: «Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»¹.

Бунинг исботи сифатида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунларни эслаш мумкин. Таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари мана шу Қонун талабларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги барчага яхши маълум. Бу борада бир мунча ютуқлар қўлга киритилганлиги, дастлабки босқич талабларининг деярли тўла бажарилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Очиқ айтиш лозимки, ўқув қўлланмаларни яратиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Бугун янги педагогик технологияни жорий этиш, жаҳондаги илгор ўқитиш усулларини тарғиб қилиш ва ҳаётга жорий этишга жиддий зарурат сезилмоқда.

«Адабиёт» ўқув қўлланмаси дарсликка қўшимчадир. Бу тажриба дастлаб 5-синфлар учун қўлланган эди. Кейинроқ қасб-хунар коллежлари учун шундай қўлланма яратилди².

¹ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Тошкент. Шарқ. 1997. 5-бет.

² Бобомуродов Қ., Холсаидов Ф. Адабиёт, Қасб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма, Тошкент, Илм Зиё, 2006 йил.

Құлланма жуда оригинал тарзда тузилған бўлиб, бу оригиналлик шундай изоҳланади: «дарс жараёнида ўқитувчилардан ижодий изланиш талаб этилади. Қўлланмада бадиий асардан парчалар берилгани ҳолда, мавзу юзасидан тузилған савол ва топшириқлар асар билан тўлиқ танишишини талаб этади. Бу эса ўқувчиларни бадиий асарни тўлиқ ўрганишга ундейди»¹.

Тасаввурни ойдинлаштириш учун айрим намуналарга мурожаат қилиш ўринли бўлади. Унда жумладан, Носирiddин Бурхониддин ўғли Рабгузий қисми шундай бошланади: «Носирiddин Бурхониддин ўғли Рабгузий ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан ўрга умумтаълим дастури бўйича мустаҳкамловчи савол ва топшириқлар:

1. «Қиссайи Одам Сафийи алайҳиссалом» ва «Қиссайи Нуҳ Набийи алайҳиссалом» қиссаларининг ғоявий мазмуни қандай?

2. Рабгузийнинг ҳаёти ҳақида сўзланг.

Шундан кейин 6 банддан иборат бўлган тезис-режа келтирилади. Рабгузий ҳикоятлари ҳақида назарий маълумот берилади. Улардан кейин асардан парчалар («Узум ҳикояти», «Йилон ва қарлуғоч ҳикояти», «Намруд ҳикояти») илова қилинади. Мавзу охирида савол ва топшириқлар ўрин олган.

Шу асосда ўқув режалари, фан дастурлари тузилди. Бугунги кунда уларга муносиб равишдаги дарсликларга ҳам эгамиз. Бироқ тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, уларда ҳам айрим камчиликлар, нотугалликлар мавжуд. Мустақилликдан олдин ҳамда мустақилликнинг дастлабки пайтларида яратилган айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларини назарда тутган ҳолда уларнинг тилини «оғир ва фализ»² деган эди.

Дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича ҳаракатлар давом этиб келмоқда, ўқув адабиётлари танлови ўтказилмоқда. 2004 йилда 5-синф учун, 2005 йилда 6-7-синфлар учун 2006 йилда 8-9-синфлар учун дарсликлар тайёрланди. 2007 йилда эса 4-5-синфлар учун ҳам янги дарсликлар тайёрлаб топширилди. Бу дарсликларнинг афзал

¹ Ўша асар. 3-бет.

² Сафо Матжон. Китоб ўқишини биласизми? 11-бет.

томони ўқитувчи учун методик құлланма ҳам бирғалиқда яратилишида ва уларнинг амалиётда яхши натижага эришишида деб күрсатиш мумкин.

Умумтағым мактабларидан сұнг уч йиллик академик лицейлар ҳамда касб-хунар колледжлари истеъмолга кирилди. Бу ёшларнинг фан асосларини жиддийроқ ва пухтароқ әгаллашлари учун муҳим омилдир. Айниқса, академик лицейлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади. «Кадрлар тайёрлаш миљий дастури»да бу борада шундай дейилди: «Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чукур соҳалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлади».

Академик лицейда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология) саводларини ошириш ҳамда фанни чукур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни муайян олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш асосида ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Академик лицейлар учун тузилган «Адабиёт» дастурида¹ таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлук-сизликка алоҳида аҳамият берилган.

Дастурда бадиий асарни таҳлил этишдаги мавжуд мағкуравий андозалар билан ёндашишга барҳам берилиб, адабий асарга соф бадиий-эстетик ҳодиса сифатида қаралган ҳамда таҳлил жараёнидаги асосий мезон сифатида ана шу ҳолатга таянилган.

Шу дастур асосида профессор Б. Тўхлиевнинг академик лицейларнинг I босқичи учун «Адабиёт» дарслиги яратилди. Эндилиқда II ва III босқич талабалар учун «Адабиёт» дарслигининг ҳануззача йўқлиги ачинарли ҳол.

Касб-хунар колледжлари учун «Она тили ва адабиёт» дарслиги² А. Рафиев ва Н. Фуломовалар томонидан

¹ Тўхлиев Б., Саримсоқов Б. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.

² Рафиев А., Фуломова Н. «Она тили ва адабиёт». Тошкент. 2002.

яратилди. Бу дарслик ҳам кенг ўкувчилар оммасига илк марта тавсия қилинган дарсликлар сирасига киради.

Бизнинг олдимиизда турган катта муаммолардан бири методист олимларга тегишилдири. Улар бугунги замон талабларига мос келадиган ўқув методик адабиётларни яратиб бериш борасида республикамиз таълим муассасалари олдида, кўп сонли ўқитувчи ва талabalар олдида қарздор бўлиб туришибди. Бугун филологик таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда, янги педагогик технологияларни таълим соҳаларига тезроқ татбиқ қилиш соҳасида улар ўз сўзларини айтишлари керак.

Дарсликлар одатда муайян таълим босқичларига мўлжалланган бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида уларнинг синфлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эса уларнинг босқичлари кўрсатилади. Баъзан уларнинг ноаниқ белгиланиши ҳам учраб туради. Жумладан, 2001 йилда яратилган «Ўзбек тили» дарсликларидан бири «олий ўқув юртлари колледж ва лицейларнинг рус гурухлари учун» деб мўлжалланган. Мантиқан, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юритида айни бир материални такрорлаб ўтиш зарурати йўқлигини исботлаш шарт эмас.

Р. Расулов, А. Миразизовлар томонидан ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гурухлари учун тайёрланган ўқув қўлланма 2006 йил нашрдан чиқди¹. Унда ўзбек адабиёти намояндларидан Маҳмуд Кошфарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳфриддин Муҳаммад Бобур, Гулханий, Абдулла Авлоний, Зулфия, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиевалар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган бўлиб, таржимаи ҳолдан кейин, асосан, “Матнни ўқинг”, “Матн мазмунини айтиб беринг”, “Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг” деган топшириқлар берилган. Қўлланмада шеърий асарлардан А. Ориповнинг “Ўзбекистоним, сенга” ва С. Солиевнинг “Устоз” шеъри ўрин олгани ҳолда насрый асардан бирорта парча келтирилмаган.

¹ Rasulov R., Mirazizov A. O'zbek tili. –Toshkent: Fan va texnologiya, 2006. 240-b.

А. Рафиев ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган касб-хунар колледжларининг рус гуруҳлари учун “Ўзбек тили” ўкув қўлланмаси¹ ҳам янги нашрлардан ҳисобланади. Бу қўлланма амалдаги дастур асосида яратилган бўлиб, унда адабий материалларга кенг ўрин берилган. Таъланган шеърий асарлар юзасидан берилган савол ва топшириқларниг аксарият қисми грамматик материалларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва мавзуларни чуқурлаштириб ўрганиш учун берилган адабий материаллар “Илова”да берилган. Чунки дастурда бу асарлар кўрсатилмаган. Таъланган шеърий ва насрый асарлардан, адаб ҳаёти ва ижоди юзасидан берилган маълумотлардан, касбга йўналтирувчи матнлардан ўқитувчи ўкувчиларниг билим, қўнишка ва малакаларидан келиб чиқиб қўшимча материал сифатида фойдаланиши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт ўқитишида адабиёт дастури қандай роль ўйнайди?
2. Қандай ўқув қўлланмаларни биласиз?
3. Ўқув қўлланма дарсликдан қандай фарқ қиласди?
4. Мактабда адабиёт ўқитиши тарихида қандай дастурлар тузилган?
5. Дарслик ва ўқув қўлланмаларда қандай камчиликлар учрайди?



¹ Rafiyev A. va boshqalar. O'zbek tili. Kasb-hunar kollejlarining rus guruhlari uchun o'quv qo'llanma. T: Ilm Ziyos, 2006 – 160 b.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ишлаш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги

Р Е Ж А:

1. Дарслик билан ишлашнинг шакл ва усуллари.
2. Дарсликлар билан ишлашдаги янги педагогик технологиялар.
3. Дарслик ва ўқувчининг ижодий ишларини ташкил этиш йўллари.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақилликка эришуви унинг халқаро майдонда мустақил давлат сифатида танилиши учун имконият яратиб берди. Республикаизда мавжуд барқарорлик, тинчлик, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг дикқат эътиборини тортмоқда. Улар бугун Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида тан олмоқдалар. Республика халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош ғояси эса етук, мукаммал назариялардан бири сифатида эътироф этилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғояларини амалиётта тўла-тўқис татбиқ этиш, ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ҳамда бу йўлда кўзланган мақсадни амалга ошириш халқ таълими тизими ходимлари, ўқитувчи-педагогларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларини амалга ошириш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Улардан бири ва назаримизда энг муҳими ёш авлод маънавий камолотининг таъминотчиси, ҳомийси ва асосий саналган ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг маънавий етуклигини таъминлашга эришиш саналади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қуйидагиларни қайд этади: “Тарбиячиларнинг (ўқитувчиларнинг) ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотларини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз”¹.

¹ И. А. Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент.: Ўзбекистон. 1999. 9-бет.

Бошқа даврларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам ўқитувчи шахси, унинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳорати, маълумот даражасига нибатан юксак талаблар қўйилмоқда. Зеро, янги авлодни камолга етказувчи шахс сифатида ҳамма вақт ўқитувчи тан олинган.

Болаларда инсонни ардоқлаш, унинг ҳукуқи, орномуси, қадр-қимматини ҳурмат қила билиш, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўя олиш, миллат ва Ватан тақдирни учун масъулиятли бўлиш каби сифатларни қарор топтиришда ўқитувчининг ўрни ва роли бебаҳодир. Шу боис, инсон тарбияси учун жавобгар бўлган шахс, аввало, ўзида қуйидаги фазилатларни қарор топтира билиши лозим: билимлилик, ўз фанини пухта билиш, меҳнатсеварлик, олижаноблик, камтарлик, бағрикенглик, сабр-тоқатлилик, ҳақиқатни сева олиш, унинг учун курашиш, ҳар қандай кўринишдаги ахлоқсизлик ва ҳукуқбузарлик ҳолатларига қарши кескин муросасизлик, ниҳоятда чиройли нутққа эга бўлиш, кийиниш маданиятига риоя қилиш ва ҳ. к. Айнан мана шу талаблар барча даврларда ҳам асосий мезонлар сифатида ўқитувчи шахси ва қиёфасининг шаклланиши учун хизмат қилиб келган.

“Ўқитувчи, — дейди Абу Наср Фаробий, — ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни улдаламоги зарур. Ўқитучининг вазифасига айнан ўхшашлик доно давлат раҳбарида мавжуд, холос. Шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади”¹.

Абу Али ибн Сино ал-Фаробий фикрларини давом эттирад экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўқитувчи матонатли, соф вижданли, ростпўй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ташқи ва ички дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим”².

¹ Абу Наср Фаробий. Намунали ўқиши ҳақида. 328-329-бетлар.

² Абу Али ибн Сино. Танланган асарлар. 1980. 552-бет.

Хар қандай асарнинг бадиий таҳлили энг замонавий технология ва усулларга таянса, шунингдек, педагогик жараёндаги барча қатнашчиларнинг тӯла фаоллиги таъминланасигина тегишили самара беради.

Шу ўринда ўқувчиларнинг пассив тингловчи даражасида қолиб кетмаслиги, балки уларнинг фаол, ўз нуқтаи назари ва шахсий фикрига эга бўлган китобхон даражасига кутариш заруриятини таъкидлаш жоиз. Бу биринчи навбатда ўқитувчининг китобхонлик маданияти билан боғлиқ. Китобхон ўқувчиларни тарбиялаш ва яна ўқитувчи шахси, унинг шахсий тажрибаси, укуви, ижодкорлигига чамбарчас алоқадордир. Демак ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини реал ҳаёт, таълим жараёнининг ўзи ҳам тақозо этади.

“Мактаб ўқитувчиси, айниқса, ўзбек тили ва адабиёти муаллими ўзининг келажак авлодни тарбиялашда масъул эканини ёдидан чиқармаслиги керак... Ўқиш ва ўқитишининг энг илгор шакллари ва мазмуни, бизнингча, энг аввало адабиёт дарсларида амалга ошмоғи лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи дарсда ҳар бир мавзуни янгича ҳис этиш қувватига эга бўлмоғи, ўқувчисига замонавий талаблар даражасида тушунча бермоғи лозим. Адабиёт дарсларида муаллим машғулотдан машғулотга миллӣ мафкура асосида таълим ва тарбия беришни такомиллаштириб бормоғи лозим¹”.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида “Ўқитишининг илгор шакллари ва янги технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш”² асосий масалалардан бири эканлиги таъкидланади.

Ўқувчи (талаба)ларга пухта билим беришда ҳозирги кун янгиликларидан хабардор бўлиш, замонавий педагогик техно-логияларни дарсда ўз ўрнида қўллай олиш ўқитувчининг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқитувчи компьютерда маълумотлар (билимлар) омборидан фойдаланиш тартибини билиши, бунда маҳсус компьютер дарси ажратиш, компьютердаги билимлар омборидан

¹ Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллӣ мафкура. Тил ва адабиёт таълими. 1998, 2-сон, 13-бет.

² “Таълим тўғрисида”ги қонун // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., 1997. 27-бет.

дарснинг маълум бир қисмида алоҳида босқич сифатида фойдаланиш, ўқувчи (талаба)ларнинг гуруҳли ва ялпи мустақил ишларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ўқишини ўюнтириш каби ишларни амалга ошириши мумкин.

“Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўкув дас-турлари ва дарслерни мазмунига жадал киритишни тилаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларнинг нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига яхши шароит яратади”¹.

А. А. Мурашов огоҳлантирганидек, ахборот технологияларидан билиб фойдаланиш зарур. Унинг фикрича, “Энг илғор техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Лекин агар педагогнинг қалби болаларда эзгулик ўйфота олмас экан, ҳеч қандай техника ёрдам беришга қодир эмас”².

“Ҳозирда, асосан олий ўкув юртларида дарслер ва маъруза матнларининг электрон вариантлари тузилган. Фикримизча, нафақат олий ўкув юртлари, балки ўрта мактаб дарслер ва қўлланмаларининг электрон нусхаларини тузиш, шунингдек, интернетда ўқитиш методикаларига бағищланган маҳсус сайд яратиб, мазкур дарслерни on-line кутубхонасига қўйиш керак. Агар интернетда ўкувчилар учун on-line форум ва конференциялар ташкил қилинса, уларнинг адабиёт борасидаги билимлари ошиши ва мустаҳкамланиши, ўқувчи ва талабалар мустақил мушоҳада юритиши ҳамда ўзаро фикр алмашишларига имконият яратилади”³.

Адабий таълим жараённида ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш ва нутқ фаолиятини ўстириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида педагогик технологияларнинг амалий аҳамияти катта.

¹ Бегимқулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар. “Педагогик таълим” журнали. 2005, 6-сон, 15-17-бетлар.

² Мурашов А. А. Из тонких линий идеала. — М., Просвещение, 1990. — 95 с.

³ Усмонова З. Адабиёт яқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари. “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2005, 3-сон, 20-22-бетлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Тошкент, Шарқ, 1997.
2. "Узлуксиз таълим жараёнини ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муаммолари" республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, ЎзПФИТИ. 2001.
3. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тузувчилар: Тухлиев Б., Саримсоқов Б. Тошкент, 2000.
4. Бегимқулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар. Педагогик таълим журнали // 6-сон, 2005, 15-17-бетлар.
5. Бобомуродов К., Холсаидов Ф. Адабиёт, Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма, Тошкент: Илм зиё, 2006 йил.
6. Жумабоев М. Болалар адабиёти. Олий ўқув юргларининг бакалавр йўналишидаги талабалар учун дарслик. 2004.
7. Зуннунов А., Хотамов И., Эсонов Ж., Иброҳимов И. Адабиёт ўқитиши методикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
8. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
9. Йўлдошев К., В. Қодиров, В. Йўлдошбеков. Адабиёт. 9-синф дарслиги. Тошкент, 2006.
10. Йўлдошев К. ва бошқалар. Адабиёт 7-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2005.
11. Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2003.
12. Йўлдошев К. Ёниқ сўз. Тошкент. Янги аср авлоди. 2006.
13. Каримов Н. ва бошқалар. Адабиёт 11-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент. 2004.
14. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юргларининг бакалавр йўналишидаги талабалар учун дарслик. Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
15. Келдиёров Р. Адабиёт ўқитувчининг муҳим қирраси. // Тил ва адабиёт таълими, журнали, 1-сон, 1998.

16. Олимов С., С. Аҳмедов., Р. Қўчқор. Адабиёт. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2006.
17. Олимов С., С. Аҳмедов., Р. Қўчқор. Адабиёт. 6-синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2005.
18. Отахонова С. Дарсликлар ҳақида. Маърифат газетаси. 2004 йил 9 июнь.
19. Тўйчиева М. Адабиёт дарсликларидағи савол ва топшириқлар ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. 3-сон, 2005, 17-20-бетлар.
20. Rasulov R., Mirazizov A. O“zbek tili. Toshkent: Fan va texnologiya, 2006.
21. Rafiyev A. va boshqalar. O’zbek tili. Kasb-hunar kollejlarining rus guruhlari uchun o’quv qo’llanma. T: Ilm ziyo, 2006, 160-b.
22. Рафиев А, Гуломова Н. Она тили ва адабиёт. Касб-хунар колледжлари учун дарслик. Тошкент, 2003.
23. Тўхлиев Б. Адабиёт. Академик лицейларнинг биринчи босқичи учун дарслик. Тошкент, 2004.
24. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. Бакалавр йўналиши учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2006.
25. Умумий Ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-махсус сон, 164-245-бетлар.
26. Усмонова З. Адабиёт ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари // Тил ва адабиёт таълими журнали. 2005, 3-сон, 20-22-бетлар.
27. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш, Тошкент, ЎАЖБНТ Маркази, 2003, 361-b.
28. Ўрта махсус касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим тандартлари ва ўқув дастурлари. “Она тили ва адабиёти” ўқув дастури. Тошкент, Шарқ, 2001, 76-90-бетлар.
29. Қосимов Б., Тўхлиев Б., Йўлдошев Қ. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. Тошкент. 2004.
30. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004, 93-98-betlar.
31. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент.
32. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, Юлдузча, 1992.

Мундарижа

Кириш.....	3
Адабиёт дарсликларига қўйиладиган замонавий талаблар.....	6
Адабиёт дарсликларининг таълим босқичларига кўра турлари.....	13
Дарсликнинг тузилиши, таркиби ва мазмуни.....	31
Умумий ўрта таълим мактабларидаги дарсликларининг асосий хусусиятлари.....	39
Академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари дарсликларининг хусусиятлари.....	47
Олий таълимдаги адабиёт дарсликлари. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	50
Таълимнинг турли босқичларидаги адабиёт дарсликлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик. Бундаги ўзига хосликлар.....	58
Дарслик ва ўқув қўлланмалар. Уларнинг ўзаро муносабати.....	62
Дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ишлаш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71
Мундарижа.....	73
Қайдлар учун.....	74

Дарсликлар устида ишлаш

**Б. Тұхлиев, Р. Ниёзметова,
И. Болтаев**

**Мұҳаррір: М. Содиқова
Рассом: Ш. Одилов
Компьютерда саҳифаловчи: Ф. Қодиров**

**Нашриёт рақами: М-735. Босишига рухсат этилди: 14.08.07. Қоғоз
бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт б.т.
3,0. Шартли б.т. 4,75. Буюртма №19. 500 нусхада. Келишилганды
нархда.**

**ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Муминов
кўчаси, 9-уй.**

**ХТ «Ҳамидов Н. Ҳ.» матбаа корхонасида чоп этилди.
Мирпұлатова кўчаси, 36-уй. Тел.: 111-04-89**